



TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI —
O`ZBEKISTON
LIBERAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan
chiqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2015-yil 19-mart, payshanba, 12 (592)-son

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ОЛИЙ БАХТ



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислон Каримов 17 март куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси Ж.Иноғомов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислон Каримов ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади. Дастурда мамлакатимиз

да барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қўлмали иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни янги босқичга кўтаришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Жумладан, саноатни диверсификация ва модернизация қилиш, ҳисобидан иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожини йўлидаги барча тўсиқларни бартараф этиш, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини қайта қўриб чиқиш, маҳал-

лийлаштириш дастурларини кенгайтириш, инвестициявий муҳитни янада яхшилаш каби муҳим масалалар қамраб олинган. Аҳоли бандлигини таъминлаш, биринчи навбатда, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, чет давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланган.

Тошкент шаҳри барча соҳалардаги тараққиёти, энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхо-

налари, муҳташам иншоотлари, машҳур илм-фан марказлари, сўлим боғ ва хивёонлари билан дунёга машҳур.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотлар пойтахтимиз салоҳиятини юксалтириш, аҳоли ҳаёт фаровонлигини муттасил оширишда асосий омил бўлмоқда.

Меҳнат фахрийси Т.Даминов, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси, Зулфия номидаги Давлат

мукофоти совриндори Н.Даммухамедова ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган беқиёс ўзгаришлар пойтахтимиз мисолида ҳам яққол ифодасини топаётганини таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик жараёни миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга тўла мос равишда ўтаётганини қайд этди. Сайловчиларни 29 март куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислон Каримов 16 март куни Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси Н.Абдуллаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислон Каримов ўз сайловолди

дастури юзасидан нутқ сўзлади. Дастурда саноатни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожини йўлидаги барча тўсиқлар

ни олиб ташлаш ҳамда бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қайта қўриб чиқиш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва экин майдонлари унмдорлигини ошириш, фермер хўжаликларини қўлтармоқли хўжаликларга айлантиришнинг давом эттириш, маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, инвестиция муҳитини янада яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, одамлар турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириб бориш, хорижий давлатлар билан

ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Тошкент вилояти ер ости ва ер усти бойликлари, ривожланган саноати ва қишлоқ хўжалиги билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Вилоятда ёқилғи-энергетика мажмуаси, қурилиш индустрияси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича корхоналари, фаоллият кўрсатмоқда. АҚШнинг «General Motors» компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган автомобил дивантегларни заводи, Олма-лик Ангрен, Бекобод, Чирчиқ

шаҳарларидаги йирик саноат мажмуаларида ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми изчил ўсмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг қўллаб-қувватланаётгани самарасида бундай субъектлар ва уларнинг иқтисодиётдаги ҳиссаси тобора ортиб бораётир. Фермер ва деҳқонлар нафақат вилоят, айти чоғда пойтахтимиз аҳолисини ҳам мева, сабзавот, узум, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Меҳнат фахрийси С.Салоҳиддинов, Бука туманидаги «Ёқутхон-Саид» фермер

хўжалиги раҳбари С.Сайдуллаев ва бошқалар вилоятни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, бунёдкорлик туфайли шаҳар ва қишлоқлар замонавий қиёфа касб этиб, аҳоли турмуш даражаси юксалиб бораётганини таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга тўла мос равишда ўтаётганини қайд этди. Сайловчиларни 29 март куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

(ЎЗА)

Ў ЁШЛАР САЙЛОВГА ТАЙЁР



Ватанимиз истиқболи юксак малакали мутахассислар тайёрлаш билан чамбарчас боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боис кадрлар тайёрлаш сифатини янада ошириш, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитиш жараёнига илгор технологияларни жорий этиш бу борадаги ислохотларнинг устувор йўналишига айланди.

— Биз, ёшларга барча шароитлар яратиб берил-

Қаддимиз тик, қадамимиз дадил

Мамлакатимизда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ёшларга оид давлат сиёсати эртаимиз эгаларининг ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етиши, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида юксак чўққиларни эгаллашида мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда

ган, — дейди Жиззах давлат педагогика институтини таласа, Навоий стипендияси совриндори, О'зЛиДеР фаоли Махлиё Нормуродова. — Келажакка сармоя сифатида таълимга ажратилаётган маблағлар ёшларнинг ҳеч қандай бўлиши, эртанги куннинг буғунгидан-да порлоқ бўлиши, навиқрон авлод вакиллари-нинг олдига қўйган мақсадларига эришиши учун сарфланаётгани айти ҳақиқат. Шундай шароитда чет тилларни пухта ўзлаштирган

тенгдошларим халқаро фан олимпиадалари, турли спорт мусобақаларида ғолибликни қўлга киритаётганидан, улар қаторида мен ҳам борлигимдан фахрланаман. Буларнинг барчаси, аввало, юртимиздаги тинч-осойишта ҳаёт, инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ислохотлар мевасидир. Бизнинг қаддимиз тик, қадамимиз дадил. Шунинг учун ҳам мен 29 март куни бўлиб ўтадиган сайловда партияимиз томонидан илгари сурилган номзодни қўллаб-қувватлашга чақираман.

— Истиқлол бу — мен, истиқлол бу — ёшларнинг порлаган нигоҳи. Юксак минбарларда сўз айта олишнинг ўзи истиқлол, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси, Зулфия мукофоти соҳибаси Ёқутхон Холбекова. — Мен мустақиллик туфайли бунёд этилган коллежда таҳсил олдим. Барча шароитлар яратилгани туфайли бир эмас, учта ихтисослик бўйича ўқидим. Интеллектуал салоҳиятимни ривожлантириш баробарида спорт билан шуғулланишим учун тўлиқ

имконият мавжуд. Коллежнинг замонавий спорт иншоотлари жисмоний чиниқшимда қўл келди. Бунинг натижасида Дубай шаҳрида энгил атлетика бўйича (параолимпия) халқаро турнирда олтин медалга сазовор бўлиб, Осиё рекордини янгилардим.

Дахлдорлик туйғуси билан яшаётган талабалар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислон Каримовнинг сайловолди дастури билан тўлиқ танишгач, унда эртанги кунимни кўра олдим.



Менга ўхшаган миллионлаб ёшлар нафақат овози, балки бутун куч-қудрати, шижоати, интеллектуал салоҳияти, керак бўлса, бор вужудини ана шу дастур ижроси учун бағишлашга тайёр. Шунинг учун ҳам 29 март куни бўлиб ўтадиган сайловда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод учун овоз берамиз.

Демократик кучлар блоки

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида О'зЛиДеР ҳамда «Миллий тикланиш» демократик партиялари фракцияларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламентнинг қуйи палатасида «Демократик кучлар блоки»ни тузиш масаласи муҳокама этилди

Кутаринки руҳда ўтган мажлисда ҳар икки фракция раҳбарлари парламентаризмни ривожлантиришда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида амалга оширилаётган ислохотлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди.

— Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимини янада мустаҳкамлаш, демократик жамиятнинг асосий принципларидан бири ҳисобланган фракциялараро рақобатни кучайтиришга қаратилган муҳим ҳужжат имзоланди, — дейди О'зЛиДеР фракцияси раҳбари Содикжон Турдиев. — Мазкур келишувнинг ҳуқуқий асоси 2007 йилда қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг 2-моддасида ўз аксини топган. Унда белгиланганидек, бир неча сиёсий партиялар фракциялари дастурий мақсадларининг ҳамоҳанглиги ёки ўхшашлигидан келиб чиққан ҳолда парламент қўчилигини тузиши мумкин. Дарҳақиқат, ижтимоий-сиёсий соҳада О'зЛиДеР билан «Миллий тикланиш» демократик партиясининг сайловолди дастурларида парламентаризмни янада ривожлантириш, халқ ҳокимиятчилигини кучайтириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизнинг ўчоғи бўлган демократик институт, яъни маҳалланинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш каби масалалар устувор вазифалар сирасига киритилган. Бундан ташқари, миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, саноат соҳасида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни давом эттириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг маҳсулотини жаҳон ва минтақавий бозорларга олиб чиқиш каби масалаларда ҳам дастурларимизда уйғунлик мавжуд. Шундай экан, ўзаро ҳамкорликда амалга оширилаётган сайё-ҳаракатлар муҳим қонун ва дастурларга қўшиб, Ватанимизнинг янада тараққий топишига, халқ фаровонлиги ва юрт тинчлигига хизмат қилади.

2

О`zLiDeРдан кўрсатилган номзодга овоз берамиз

МАМЛАКАТИМИЗ УЛКАН АҲАМИЯТГА ЭГА СИЁСИЙ ВОҚЕА АРАФАСИДА ТУРИБДИ. ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 29 МАРТ КУНИ БЎЛИБ ЎТАДИГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ЭРТАНГИ КҮНИМИЗНИ, КЕЛГУСИ ҲАЁТИМИЗ ҚАНДАЙ БЎЛИШINI БЕЛГИЛАБ БERAДИ. САЙЛОВ КУНИ ҲАР БИР САЙЛОВЧИ ЎЗИГА МАЪҚУЛ НОМЗОД УЧУН ОВОЗ BERAДИ, ФАОЛЛИГИНИ НАМОЁН ЭТАДИ. ЭЪТИБОРЛИСИ, СИЁСИЙ КАМПАНИЯ ҲЕЧ КИМНИ БЕФАРҚ ҚОЛДИРМАЯПТИ. ЖУМЛАДАН, МЎЪТАБАРО ОНАХОН ВА ОТАХОНЛАРИМИЗ ҲАМ АЙНИ КУНЛАРДАГИ САЙЛОВОЛДИ ЖАРАЁНЛАРИНИ КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН КУЗАТМОҚДАЛАР. ПИРҲАДАВАТЛАРИМИЗНИНГ ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ЭТИЛАЁТГАН ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ, ЎЗИГА ХОС МУНОСАБАТИ ҲАМ ШУИДАН ДАЛОЛАТ BERAДИ.

3

29 МАРТ – САЙЛОВ КУНИ

Қизғин мулоқотлар давом этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод — Ислон Каримовнинг ишончли вакиллари жойларда сайловчилар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари билан кўплаб учрашувлар ўтказмоқдалар

Хусусан, Хоразм вилоя-тидаги ишончли вакил Кен-жабой Ортиков гурланлик ва қўшқўприлк сайловчилар билан ўтказилган учрашувлар-да тадбир иштирокчиларини номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништириш давомида ўтган давр мобайнида юртимизда турли соҳалар бўйича қўлга киритилган ютуқлар ҳақида сўз юритди.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожий йўлидаги барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш, бу соҳага тўлиқ эркин-лик беришга катта эътибор қара-тилаётгани барчамизга маълум. Аҳамиятлиси, ушбу йўналишлар Кексаларни эъзозлаш йили, шу-нингдек, ўндан кейинги даврда ҳам устувор вазифа бўлиб қо-лиши белгиланди, — деди Гур-лан туманида ташкил этилган тадбирда сўзга чиққан ишончли вакил. — Шу ўринда экологик му-аммолар чуқурлашиб бораётган, сув ва ер ресурслари чуқурлаш-тириш, энг янги агротехнологиялари жорий этиш қишлоқ хўжалиги соҳасини ислох этишнинг ҳал қилувчи масалалари бўлиб қола-веришини айтиб ўтиш жоиз.

Шофиркон туманида ўтка-зилган ана шундай учрашувда сўзга чиққан ишончли вакил, O'zLiDeP вилоят кенгаши раи-си Фармон Аминов тадбир иштирокчиларига Ислон Кари-мовнинг сайловолди дастурида иқтисодий ислохотларни яна-да чуқурлаштириш, аҳолининг ҳаёт сифати ва даражасини изчил юксалтириш, мамлака-тимизда тинчлик ва барқарор-ликни янада мустаҳкамлаш сингари энг муҳим стратегик мақсадларнинг асосий йўнали-шлари ўз ифодасини топгани-ни маълум қилди.

Учрашувда, шунингдек, ис-тиқоп йилларида, барча ерда булганидек, қўҳна ва ҳаммаш навқирон Бухоро вилояти иқти-содий ҳам барқарор ривожла-ниб, аҳоли турмуш даражаси юксалиб бораётгани, хусусан, 2014 йилда ялпи ҳудудий маҳ-сулотнинг 8,2 фоизга ошгани, кимё, нефть-чимё, озиқ-овқат саноати, энгил саноат, қурилиш материаллари ва мебель ишлаб чиқариш соҳаларида жами 296 та лойиҳа амалга оширилгани таъкидланди.

Учрашувда «Азим Шофир-кон колдузи» фермер хўжалиги раиси, Олий Мажлис сенати аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони Азим Латипов, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси туман бўлими раҳбари Карима Қудратова ва бошқалар тинч-лик ва оқсойишатилик шароитида мамлакатимиз барқарор риво-жланиб бораётгани, ижтимоий инфратузилма ривожланиб, шахар ва туманлар янгича қи-ёфа касб этаётганини айтиб ўтдилар. Сўзга чиққанлар сай-ловчиларни 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республи-каси Президенти сайловида Ислон Каримов номзоди учун

овоз беришга чақирдилар. *** Кегейли, Хўжайли, Нукус туманлари ҳамда Нукус шаҳри-да бўлиб ўтган учрашувларда ишончли вакил, Қорақалпоғи-стон Республикаси «Нуроний» жамғармаси раиси Шарап Уснатдинов бошқа мулоқот-ларда бўлгани каби тадбирни номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури ҳақидаги маълумотлар билан бошлади. Кейин мамлакатимизда амал-га оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида сўз юритди.

— Бугунги кунда ўзлигини англаб, ўз юрти, ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, эркин ва озод ҳаёт кечириш қандай бахт, қандай катта бойлик эканини чуқур тушуниб олган, мард ва олижаноб халқимизнинг фидо-корона меҳнати билан амалга ошираётган оламшумул ишла-римиз, шахар ва қишлоқлари-миз қиёфаси тубдан ўзгариб, ҳаётимиз тобора фаровон бўлиб бораётгани барча соҳа-ларда яққол намоён бўлмоқда, — деди ишончли вакил. — Қи-шлоқ хўжалиги, қурилиш, сав-до-сотик, хизмат кўрсатиш каби кўпгина истеъмол ва уй-жой фонди, истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган соҳалар деярли тўлиқ хусусий мулк шаклига ўтказилди. Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизи ана шу соҳага тўғри келаётгани ва иш билан банд аҳолининг 75 фоизи мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди. ***

Ўрта Чирчиқ туманида таш-кил этилган учрашувни очиб берган O'zLiDePнинг Тошкент вилояти кенгаши раиси ўринбо-сари Тўлқин Файзиев дастлаб бу иил биринчи марта бундай муҳим сиёсий жараёнда ишти-рок этаётган ёш сайловчиларни табриклаб, уларни фаол қатна-шишга чақирди. Шундан сўнг номзоднинг ҳудуддаги ишонч-ли вакили Мархаб Қурбона-ва йиғилиш иштирокчиларини Ислон Каримовнинг таржимаи ҳоли ва меҳнат фаолияти би-лан таништириб, мамлака-тимизда тинчлик, иқтисодий барқарорлик, ижтимоий ҳимо-янинг йўлга қўйилишида Юрт-бошимизнинг ўрни ва хизмати ҳақида сўз юритди.

— Мактабда ўқиб юрган пайтларимда буюм тез-тез «бу кунларга етганлар бор, етмаган-лар бор. Бундайин дориламон кунлар қадрига етинлар», дер эдилар. Ҳақиқатан ҳам мам-лакатимизда ёшларнинг ўфи-ши, ижод қилиши, спорт билан шуғулланиши, меҳнат қилиши учун кенг имкониятлар яратил-ган, — дейди O'zLiDeP аъзоси, туман кенгаши депутати, Зулфия мукофоти совриндори Камола Пардабоева. — Шундай экан, бу-нинг қадрига етиш керак. Буюм айтган кунларга биз етибмиз. Ана шундай нурафшон кунлар учун курашадиганлар меҳнати-ни қадрламай бўладимиз!? Мана, мен адабиёт йўналишидаги из-ланишларим учун Зулфия но-мидаги Давлат мукофотига са-зovor бўлдим. O'zLiDeP аъзоси, халқ депутатлари туман кенгаши

депутатиман. Айтмоқчиманки, юртимизда мен каби ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг чеки йўқ. Энди биз — ёшлар бун-га яраша ўзимизнинг муносиб жавобимизни беришимиз керак. Шахсан мен ёшларни доимо асраб-авайлаб келаётган Ислон Каримов номзоди учун овоз бе-раман. Аминманики, ўрта-чирчи-қлик барча ёшлар бу борада мени қўллаб-қувватлайдилар.

Турли касб эгалари, ёш тадбиркорлар, фермерлар иштирок этган ҳудди шу каби йиғилиш куни кеча вилоятнинг Чиноз туманида ҳам бўлиб ўтди.

*** Қашқадарёда Ўзбекистон Республикаси Президентлиги-га номзод Ислон Каримовнинг вилоятдаги ишончли вакили Ислонмиддин Абборов билан сайловчиларнинг учрашувлар-и юксак уюшқоқлик, кўтарин-чилик ва ҳамжиҳатлик билан ўтказилаяпти. Сўзга чиққанлар истиқлол йилларида қўлга ки-ритилган улкан ютуқлар, халқ фаровонлиги ва юрт равнақи йўлидаги оламшумул ўзга-ришлар, мустақил давлат ва жамият қуриш йўлидаги эзу-гу ишларининг ташаббускори учун овоз беришларини таъкидла-моқдалар.

Китоб туманида бўлиб ўт-ган йиғилишда «Элдорбек Аббормон Луқмонович» фермер хўжалиги раиси Насиба Нуро-ва, академик лицей ўқувчиси Мадина Нуриллаева, 2-мактаб директори Нейматжон Маҳму-дов, «Бешқозор» ҚФЙ оқсоқоли ва бошқалар юртимизда фер-мерлиқни ривожлантириш орқа-ли маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш, таълим соҳасида-ги улкан ўзгаришлар, ёшларнинг иқтидорини намоийиш этишлари учун яратилаётган ғамхўрликлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Оддий қишлоқ аёли си-фатида ён-атрофда рўй бе-раётган улутвор ишларнинг гувоҳиман, — деди Шахрисабз туманида ташкил этилган уч-рашувда сўзга чиққан фермер Назира Худойқулова. — Бир пайтлар хўжалиқнинг ишчиси сифатида косамиз оқармас эди. Истиқлол шарофати билан мен ҳам фермер бўлиб, 20 нафар ҳамқишлоғим ва оила аъзолар-имни иш билан таъминладим. Ғалла-пахта етиштириш бўйи-ча давлат шартномаларини ор-тиги билан бажариб келаяпман. Бугунги ўзбек аёли фақат фар-занд тарбияси билан шуғу-ланиб қолмасдан, жамиятнинг барча жаҳалларида самарали фаолият олиб бормоқда. Хо-тин-қизларнинг ижтимоий-си-ёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни қўриб, шундай фаровон юрtdа истиқо-мат қилаётганимизга шуқро-налар айтасан. Шундан келиб чиққан ҳолда мен сайлов куни барча сайловчиларни Ислон Каримов номзоди учун овоз бе-ришга чақираман.

Президентликка номзод-нинг ишончли вакили билан учрашув Қарши шаҳрида ҳам бўлиб ўтди.



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Ҳақиқатан ҳам иқтисо-дий, сиёсий, гуманитар ва суд-хуқуқ соҳасини риво-жлантиришга доир энг муҳим масалалар борасида бу икки сиёсий партиянинг дасту-рий мақсадлари бир-бирига

муштаракдир. Қолаверса, бундай амалиёт ривожланган демократик мамлакатларнинг парламентни шакллантириш тажрибасида ҳам кенг татбиқ этилаётир.

Муҳокамада сўзга чиққан ҳар иккала партия фракци-яси депутатлари кўпчилик овозга эга бўлган ҳолда саз-й-ҳаракатлари бирлашти-

риш сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари фаолияти самарадорлигини кучайтиришга, шунингдек, уларнинг сайловолди плат-формасида белгиланган устувор йўналишларни амал-га оширишга имкон яратиши-ни таъкидладилар.

— Мазкур ташаббус, яъни «Демократик кучлар блоки»-

нинг тузилиши мамлакати-мизни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъмин-

лаш, миллий анъаналар ва қадриятларни сақлаш, шу-нингдек, иқтисодий ислохот-ларни чуқурлаштиришга доир вазифаларни муваффақият-ли амалга ошириш, ҳаётий қо-нунларни тайёрлаш ва илгари суриш, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг норматив-хуқуқий асосларини такомиллашти-ришга хизмат қилувчи муҳим сиёсий келишувдир, — дей-ди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Адҳам

мувофиқ фаолият кўрсатиш ҳуқуқини сақлаб қолишини айтиб ўтиш лозим.

Муҳокама яқунларига кўра, Табиркорлар ва ишби-лармонлар ҳаракати — Ўзбе-кистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демо-кратик партияси фракция-лари қўшма фаолиятининг асосий шартлари ва устувор йўналишларини назарда ту-тувчи икки томонлама Битим имзоланди.

Шу куни Олий Мажлис Қо-нунчилик палатасида журна-листлар учун O'zLiDeP ҳамда «Миллий тикланиш» демо-

Шодмонов. — Шу боис ҳам ҳар иккала партия фракция-си аъзоларидан алоҳида ма-съулият талаб этилади. Кези-келганда, блокка бирлашган партия фракциялари маса-лаларни олдиндан муҳокама этиш ва улар бўйича яқдил нуктаи назарни ишлаб чиқиш билан бир қаторда ўз дасту-рий мақсад-вазифаларига

кратик партияси фракция-ларининг қўшма брифинги бўлиб ўтди. Мазкур фракци-ялар раҳбарлари Олий Маж-лис қўйи палатасида ташкил этилган «Демократик кучлар блоки»нинг мақсад ва вазифа-лари хусусида журналист-ларга атрофлича маълумот бердилар.

Асоссиз аралашувларга чек қўйилади

Бугун юртимизда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рақобатни кучайтириш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, хусусий сектор субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни бартараф этиш мақсадида кўплаб қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинаётир



Адҳам ШОДМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Парламент қўйи палатаси томонидан биринчи ўқишга киритилган «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам ўз номи билан улар ишининг барқарорлиги-ни таъминлаш, қонунга рияз қиладиган ишбилармонлар фаолиятига асоссиз арала-шувларни қисқартиришга хизмат қилиши билан аҳами-ятлидир.

Ушбу масала юзасидан O'zLiDePнинг принципал позицияси Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қа-торидан ўрин эгаллашининг муҳим шарти бўлмиш иқти-содиётнинг рақобатбардо-шлигини ошириш, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)да кичик бизнес улушини изчил кўпай-тиришни таъминлаш учун инвестицияларни жалб этиш

масалаларини самарали ҳал этишдан иборатдир.

Фракциямиз қонун лой-иҳасида текширувлар шакл-лари ва текширув ўтказиш ва-колатига эга бўлган назорат қилувчи органларнинг тўлиқ рўйхати аниқ белгиланиши, барча текширишлар махсус ваколатли орган билан кели-шиб олиниши, бошқа шакл-даги текширувларни амалга ошириш тақиқлаб қўйилиши тарафдоридир.

Ҳақиқатан ҳам, тадбир-корлик ривожий учун қулай бизнес муҳити зарур. Мазкур қонун лойиҳасида ана шу жиҳат яққол акс этган. Яъни, текширувлар даврийлигини қонун билан чеклаб қўйиш, уларнинг бир-бирига уланиб кетишига йўл қўймаслик каби масалаларга алоҳида ургу берилмоқда. Шунингдек, тек-ширишларда тадбиркорлик

субъектларининг текширув ўтказилаётган йилдан бе-восита олдинги кўпи билан уч-беш йилдаги фаолияти қамраб олиниши мумкинлиги белгиланган. Бундан ташқари қонун лойиҳасида кичик биз-нес субъектлари ва фермер хўжаликлари фаолиятини режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта амалга оширилиши назарда тутилган.

Шу билан бир қаторда ки-чик тадбиркорлик субъектла-ри ва фермер хўжаликлари фаолиятини текшириш муд-дати йигирма кундан ошмас-лигига оид ҳуқуқий меъёрнинг шартлилаётгани ҳам қонун лойиҳасининг долзарблиги-дан дарак бериб турибди. Энг асосийси, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида тек-ширувларни ўтказиш муддат-ларини кўпи билан бир марта узайтириш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, бундай муҳим янгилıklar тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилиш борасидаги мавжуд ҳуқуқий бўшлиқлар ўрнини тўлдира-ди.

Иккинчи ўқиш учун таклифлар

Навоий шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси ташаббуси билан Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбатида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Мансур АСЛОНОВ, «XXI asr»

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар-даги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари, «Навоий автойўл», «Электрохиммэзаводи», «Навоийазот», «Навоий донмаҳсулот» ҳамда «Қизилқумцемент» акциядорлик жамиятла-ри, тижорат банклари, суғурта компаниялари вакиллари, қимматли қозғалар бозорининг профессионал иштирокчилари, фермерлар, тадбиркорлик субъектлари иштирок этган тадбирда мазкур қонун лойиҳасини янада та-комиллаштириш хусусида сўз юритилди.

Иштирокчиларнинг фикрича, лойиҳада

корпоратив бошқарув тизимига ёндашув ва унинг принциплари белгилаб берилган. Бун-дан ташқари корпоратив менежментдаги ижоб-бий халқаро тажрибалар ўз аксини топган. Депутатлар томонидан қонунга киритилиши таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар миноритар акциядорларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш, бошқарув органларининг фао-лиятини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Давра суҳбати давомида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида албатта инобатга олиниши айтиб ўтилди.

Собитқадамлик ва бунёдкорлик йўли



Ўткир БЎТАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Президентимиз Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида иқтисодиёт ва унинг етакчи тар-моқларини ривожлантириш борасида барқарор юқори ўсиш суъратларига эришилгани ва ялпи ички маҳсулот 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми эса 8,3 фоизга ўсгани қайд этилди.

Бу рақамларнинг кадр-қимматини англаш учун яқин ўтмишга назар солишнинг ўзи kifоя.

Маълумки, собиқ иттифоқ даврида юртимиз фақат пахта етиштиришга ихтисослаштирилган аграр республика эди. Кам сон-ли завод ва фабрикалар ҳам шу соҳага мослаштирилганди. Оқи-батда саноат умуман ривожланмай, Ўзбекистон киши бошига тўғри келадиган ялпи маҳсулот бўйича собиқ иттифоқда 12, халқ истеъ-моли моллари ишлаб чиқариш, асосий турдаги маҳсулотларни истеъ-моли қилиш жиҳатидан эса энг охириги ўринда турарди. Пахта якжақоқимлиги оқибатида озиқ-овқат масаласида ўзгаларга қарам эдик. Қўндалик эҳтиёж учун зарур истеъмол молларининг учдан икки қисми, ҳатто оддий туз ва гуғурт ҳам четдан олиб келинарди.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ республикада ву-жудга келган ўта мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазиятга объектив баҳо берилиб, «Биз бундан бўён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди», дея алоҳида таъкидлангани беҳиз эмасди.

Шундан сўнг иқтисодиёт таркибий жиҳатдан тубдан ўзгарти-рилди. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш, замо-навий саноат корхоналари ташкил этишга киришилди. Тараққий топган мамлакат ва машҳур компаниялар билан мустаҳкам ҳам-корлик ўрнатилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган, мамлака-тимизнинг ижтимоий-иқтисодий салохияти, халқимизнинг дав-латчилик тарихи ва миллий қадриятлари ҳамда жаҳон тажри-басининг энг яхши жиҳатларини муҷассамлаштирган «Ўзбек модели» барча ислохотларнинг мустаҳкам пойдевори, тараққи-ётимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланди, десак муболага бўлмайди.

Шундай тадриҳий ислохотлар самарасида Ўзбекистон қисқа фурсатда иқтисодий қарамликдан халос бўлиб, иқтисодий ўсиш-га эришди. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти қарийб 5, аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар ўсди.

Бугун юртимизда юксак технологияларга асосланган кўплаб замонавий корхоналар сони ортиб бормоқда. Уларда кенг тур-даги маҳсулотлар ишлаб чиқариляпти. Бунинг ҳисобига халқи-миз эҳтиёжи мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар ҳисобидан қопланаётир. Юқори сифатли, рақобатбардор маҳ-сулотларимиз ички бозорни тўлдириб билан бира экспортга ҳам йўналтирилмоқда. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё маҳмуаси, Қўнғирот сода заводи, Дехқонбод калийли ўғитлар заводи, Асакадаги энгил ва Самарқанддаги юк автомобиллари, автобуслар ишлаб чиқарадиган корхоналар, юзлаб замонавий энгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари мамлакатимиз иқтисодиётининг таянчига айланди.

Ўтган йили юқори технологиялар билан жиҳозланган, умумий қиймати 4 миллиард 200 миллион АҚШ долларига тенг бўлган яна 154 та йирик объект фойдаланишга топширилди. Яқинда уларнинг сафига Устюрт газ-кимё маҳмуаси ҳам қўшилади.

Иқтисодий юксалиш пировард натижада аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда. Оилаларнинг маиший техникалар, мебеллар, энгил автомобиллар билан таъминлани-ши, бир сўз билан айтганда, фаровонлиги ошиб бормоқда.

29 МАРТ – САЙЛОВ КУНИ

O`zLiDePdан кўрсатилган номзодга овоз берамиз

«Бундай пайтда кексалигингни унутиб қўясан»

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадига Сирдарё вилоятида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида хайрия тадбирлари ташкил этилди

Дилора ЭСОНОВА, «XXI asr»

Мазкур акция доирасида қарийб ўн кун мобайнида барча туман ва шаҳарларда республика ихтисослаштирилган тиббий марказлари, илмий-текшириш институтлари ва олий таълим муассасаларининг етакчи олимлари, юқори малакали шифокорлар иштирокида уруш ва меҳнат фахрийлари тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилди.

Ушбу кўриқлар кенг қамровли ва сифатли ўтказилиши учун жойлардаги муассасаларда алоҳида хоналар ажратилиб, улар тегишли тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Кўриқ-ка келолмаган кишиларнинг уйларига мутахассисларнинг ўз-лари борапти.

Гулистон шаҳар тиббиёт бирлашмасида ташкил этилган тиббий кўриқка 130 нафардан зиёд уруш ва меҳнат фахрий-си, шунингдек, турли хасталикларга чалинган кексалар таклиф этилди.

Тахрибали шифокорлар саккиз йўналиш бўйича қабулга келганларни чуқур текшириб, ўз маслаҳатларини бердилар. Уларнинг аксариятига аниқланган касалликларни даволаш муолажалари белгиланган бўлса, айримларига тиббиёт муас-сасаларига йўлланмалар тақдим этилди. Хусусан, академик В.Вохидов номидаги ихтисослаштирилган хирургия маркази шифокорлари қабулига кирган 96 ёшли Ханифа Давронова ва 91 ёшли Анна Новиковага зарур дори-дармонлар берилди.

— Кексаларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик ва эҳти-ромдан жуда мамнунмиз, — дейди меҳнат фахрийси Қарши-бой Сатторов. — Дунёдаги бирор-бир мамлакатда қариялар-га бу қадар эътибор кўрсатилмаса керак. Бу ерда жуда кўп тенгдошларимни, қадрдонларимни кўрдим, суҳбатлашдим. Рухим кўтарилди. Кекса инсонларга нима керак? Озгина меҳр, бир оғиз ширин сўз ва яхши суҳбатдош бўлса кифоя. Кайфият кўтаринки бўлса, ҳар қандай касаллиқни енгиш мум-кин. Бундай пайтда кексалигингни ҳам унутиб қўясан.

Гулчеҳра фермер экспортни эплейди

Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Тадбиркорлик ва фермерлиқни қўллаб-қувватлаш маркази ҳамкорлигида Тошкент вилоятидаги кўп тармоқли фермер хўжалиқлари раҳбарлари учун «Саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш» мавзуида ўқув-семинар ўтказилди



Рисолат МАДИЕВА, «XXI asr»

Маълумки, мамлакатимиз ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, ка-рам ва бошқа мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёдаги етакчи давлатлардан биридир. Ушбу салоҳиятдан янада кенгроқ фойдаланиш масалалари тад-бир иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Давлат Божхона ва Солиқ қўмиталари, Ўзбекистон Стан-дартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агент-лиги, «Узагросуғурта» акциядорлик суғурта компанияси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги қошидаги «Ўзтадбир-корэкспорт» компанияси, «Ўзбекэкспертиза» акциядорлик жа-мияти, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги Қи-шлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш марка-зи, Стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти мутахас-сислари жалб этилган семинарда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар. Уларга ўз фаолиятини янада ривожлантириш, маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқиш ва аграр соҳани ривожлантиришда ёр-дам берадиган тарқатма материаллар, буклетлар, дисклар тақдим этилди.

— Машгулотларда экспорт стратегияси ва тегишли шартномалар тузиш, рўйхатга қўйиш, сертификатлар олиш, суғурталаш, божхона юк декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш, божхона тўловларини амалга ошириш, мавжуд кафолат ва имтиёзлар хусусида зарур билимларга эга бўлдик, — деди Оҳангарон туманидаги «Гулчеҳра» фер-мер хўжалиги раҳбари Гулчеҳра Пулатова.

Ўқув-семинар якунида тингловчиларга ҳамкор ташкилот-лар — O`zLiDeP, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Тадбир-корлик ва фермерлиқни қўллаб-қувватлаш маркази томони-дан махсус сертификатлар топширилди.

Солиҳ ЗОИР олган сурат.

Аниқ қарорга келиб бўлганман

Ёшим 75 дан ошди. Олти нафар ўғил, тўрт қизим бор. Бир этак невара-ю, эвараларим кўршовида тўкин ва фаровон турмушдан баҳраманд бўлиб, қарилик гаштини суриб юрибман



Истам РАҲИМОВ, Қизилтепа тумани

Боболарим дўкондор, тадбиркор бўлишган. Му-стақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб туманда биринчи бўлиб қурилиш-мон-таж ишларини бажаришга ихтисослашган «Раҳим» ки-чик корхонасига асос солиб, тадбиркорлик фаолиятимни бошладим. Ўғилларим ва

оила аъзоларимни иш билан таъминладим. Югуриб-елиб, ҳаракат қилдик. Бирин-кетин ўғилларим ёнимга кирди.

Муҳтарам Юртбошимиз «Мен тадбиркор томондаман» дея бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, барча эзгу ишларимизга кенг йўл очиб бердилар. 2013 йилда Чехи-янинг «МЕТЕХ» компанияси-нинг трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ускуналар-ини харид қилиб, янги цехни ишга туширдик. Савдо дўкони-миз, чойхонамиз ҳам бор. Кат-та ўғлим Абдуҳолиқ Кармана туманида меҳмонхона йўнали-шидаги «Истам Раҳим» МЧЖ-ни ташкил этди.

Азалдан сиёсатга қи-зиқаман. Мамлакатимиздаги тўртта сиёсий партиядан Пре-зидентликка номзодларнинг сайловоди дастурини ўқиб чиқдим. Айниқса, Ислом Ка-римов дастуридаги хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожи йўлидаги барча гов ва тўсиқларни олиб ташлаш, бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш ҳақидаги фикрлар менга жуда маъжул бўлди. Қисқагина сатр-ларда Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнаётганини кўрган-дек бўлдим. Чунки тадбиркор бемалол ишласа, мамлакат иқтисодиёти бақувват бўлади. Иқтисодиёти кучли юртнинг эса келажаги порлоқ.

Бизнинг Ванғози қишлоғи мисолида ҳам дастурда баён этилган фикрларнинг исботини кўриб, кўнглим шодликка тўлди. У бир пай-тлар туман маркази бўлиши-га қарамасдан хароб ҳолда эди. Эндиликда уни ўнлаб бири-бирининг кўркем, замо-навий ва мухташам мак-таб, коллеж, заводу ишлаб чиқариш корхоналари, сав-до, сервис ва хизмат кўр-сатиш шохобчалари фао-лият кўрсатаётган бугунги Ванғози билан солиштириш, қиёслаш одамда ифтихор туйғусини уйғотadi. Шаҳар-ниқидан асло қолишмайди-ган шароитларга эга, наму-

навий лойиҳа асосида бунёд этилаётган аҳоли турар-жой массивларини айтмайсиз-ми?! Кўрган кишининг кўзи қувонади.

Ёшларга, невараларимга сайловда қатнашиш — сай-лов участкасига бориб, ва-рақага белги қўйиб қай-тишдан иборат эмаслигини тушунтираяман. Ном-зодларнинг дастурларини пухта ўқиб-ўрганиб, уларнинг чиқишларини кузатиб, чуқур мушоҳада юритиб, кейин аниқ бир қарорга келиниши мақсадга мувофиқ эканини уқтираяман. Масалан, мен албатта Ислом Каримовга овоз бераман.

Умримнинг энг мазмунли йиллари

Мен бу йил тўқсон олтинчи баҳорни қаршилайман.

Умримнинг қарийб чорак қисми мустақиллик йилларида кечди

Улар энг мазмунли йил-лар бўлди. Бундай дейи-шимнинг сабаби бор. Ешли-

қаратилган меҳр тафтини туйгандек бўламан. Бундан қувват оламан. Ўзбекис-то-

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ
ҲАМ УЙИМИЗГА КЎЧМА САЙЛОВ
ҚУТИЛАРИ ОЛИБ КЕЛИШГАНДА
ҚАЙСИ НОМЗОДГА ОВОЗ БЕРИШ
ҲАҚИДА АЛЛАҚАЧОН ҚАТЪИЙ
ҚАРОРГА КЕЛГАНМАН. МЕНДЕК
КЕКСА ИНСОННИНГ ҲАМ БИРГИНА
ОВОЗИ ВАТАНИМ КЕЛАЖАГИ
УЧУН МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА
ЭКАН, ЖОН-ДИЛИМ БИЛАН ИСЛОМ
КАРИМОВ НОМЗОДИНИ ҚЎЛЛАБ-
КУВВАТЛАЙМАН.**

гимиз оғир даврларга тўғри келган. Шарт-шароитни эслашининг ўзи оғир. Бугун невараларим, эвараларим-нинг чехрасига қараб, давла-тимиз томонидан одамларга

нимизда инсоннинг қадри банд. Меҳнат қилган эъзо-да. Айниқса, тадбиркорлик қилаётганлар рағбатланти-рилаяпти. Невараларимнинг кўпчилиги ишбилармон.

Ўтган йилги сайловда депутатликка номзодлар «Қўрғонча» маҳаллаиизда аҳоли билан учрашувлар ўтказганини эшитдим. Сай-лов чоғида участка сайлов комиссияси аъзолари уйи-мизга кўчма қутилар билан келишди. Овоз беришимиз учун барча шарт-шароит яратилгандан миннатдор бўлдим. Ваҳоланки, илгари катта-катта ижтимоий масалаларга ҳам аҳамият берилмасди. Мисол учун, кексаларнинг нафақаси кам-лигидан кўпчилиги ишлашга мажбур бўлишарди. Энди эса бу борада ҳам камчили-гимиз йўқ. Ушбу йилнинг Кек-саларни эъзозлаш йили деб эълон қилингани ҳам бизга нисбатан улкан ҳўрмат ва эҳтирмининг белгиси.

Мана, яқинда Ўзбеки-стон Республикаси Прези-

денти сайлови ўтказила-ди. Давлат раҳбари халқ манфаатларини кўзлаб иш тутадиган, ҳар томонла-ма камолга етган, ҳаётий тажрибаси катта, одам-лар билан тил топишиб, ҳамжиҳатликда ишлай би-ладиган, эл-юрт фаровон-лиги учун қўйиб-ёнадиган доно инсон бўлиши керак. Эртага ким мамлакат раҳ-бари этиб сайланади, ким халқимизга бош бўлади? Сайловда халқимиз ана шу саволга жавоб беради.

Невара ва эвараларнинг айтишича, номзодларнинг ишончли вакиллари билан учрашувлар бўлиб ўтаяпти. Эътиборимни тортгани Пре-зидентликка номзодларнинг дастурлари батафсил эълон қилинаётганидир. Бизнинг давримизда бундай гаплар қарерда эди дейсиз. Ўзбеки-



Муяссар ҲАМИДОВА, Самарқанд шахри

стон Республикаси Президен-ти сайлови куни ҳам уйимизга кўчма сайлов қутилари олиб келишганда қайси номзодга овоз бериш ҳақида аллақачон қатъий қарорга келганман. Мендек кекса инсоннинг ҳам биргина овози Ва-та-ним келажаги учун муҳим аҳамиятга эга экан, жон-ди-лим билан Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувват-лайман.

ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ — ПАРИСИ БОР

Умр — бамисоли тез оқар дарё. Эҳтимол, дарёни янги ўзанга буриш мумкиндир, аммо вақтни, умрни асло ортга қайтариб бўлмайди. Унинг кадр-қиммати, азизлиги ҳам ана шунда. Ҳаёт пиллапояларидан бир-бир ўтиб борарканмиз, беғубор ёшлик ва навқиронлик ортда қолиб, кексалик остонасига қадам қўйганимизни сезмай қоламиз

Носир ТОШЕВ,
«XXI asr»

Кексалик эса меҳр булоғи-дан сув ичади, баҳра олади. Чиндан ҳам бизни оқ ювиб, оқ тараган нуроний отахону она-хонларимиз ҳар қанча ҳўрмат ва эътиборга лойиқдир. Замона шарофати билан уларнинг кўн-гил армонлари ушалиб, энди-ликда чинакам қарилик гашти-ни суришмоқда. Илгари буни тасаввурга ҳам сифдириш қийин эди. Хусусан, 2015 йилнинг Кек-саларни эъзозлаш йили, деб эълон қилиниши халқимизнинг айни дилидаги гап бўлди. Зеро, ҳозирги дориламон кунлар-га эришиш учун улар озмунча меҳнат қилишмагани, озмунча заҳмат чекишмаганини яхши тушунамиз. Шундай экан, кекса авлод вакилларининг иззатини жойига қўйиш, сиҳат-саломат-ликлари ҳақида астойдил қайғу-риш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижти-моий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тад-бирлари тўрисида»ги фармо-нини мутолаа қиларганимиз,

хаёлимиздан беихтиёр юқо-ридаги фикрлар кечди. Ном-ланишининг ўзидан ҳам ан-глашилиб турибдики, фармон гоёт долзарб масала — бугун-ги тинч ва фаровон ҳаётимиз манфаатлари йўлида сидқи-дилдан хизмат қилган, керак бўлса, жон олиб жон берган табаррук инсонларни кафо-латли ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг ҳўрмати ва иззатини жойига қўйиш, тиббий-соғлом-лаштириш соҳасидаги ишлар-нинг сифат даражасини янада такомиллаштиришга йўналти-рилганлиги билан алоҳида аҳамиятга молиқдир. Бу ҳам бўлса, оозд юртимизда инсон шаъни, кадр-қиммати ҳамма нарсадан юксак туришидан яна бир бор далолат беради.

Кексалик — умр зийнати. Унга етганлар бор, етмаганлар бор. Бинобарин, кўпни кўрган фахрийларга беминнат хизмат кўрсатиш, яхши-ёмон кунла-рида суянчиқ бўлиш муқад-дас бурчимиз. Бу табиатан меҳр-оқибатли миллатмиз. Ўзбекчилиқда ота ўтирган уй-нинг томига чиқиш одобсизлик саналади. Бу асрлар давомида шаклланган миллий анъана ва қадриятларимизнинг умр-боқийлиги, маънавий юксак-

лигидан дарак. Маълумотлар-га қараганда, ҳозирги кунда мамлакатимизда 60 ёшдан ошганлар сони 2 миллион 873 минг нафардан кўпроқни таш-кил этади. Истиқлол берган имкониятлар туфайли улар-дин турмуш даражаси тобора яхшиланиб, умрларига умр қў-шилмоқда. Чунончи, аҳолининг ўртача ёши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўрта-сида эса 75,8 ёшга етди. Айни пайтда республикамиз ҳудуди-да 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8700 нафар 100 ёшдан ошган мўъ-табар отахон ва онахонлар ис-тиқомат қилишётганлиги яна-да қувонарлидир.

Юртбошимиз фармони-да таъкидланганидек, жорий йилдан бошлаб 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ўзлари учун мақбўл муддатларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Касаба уюшмалари федера-цияси кенгаши, шунингдек, тегишли давлат ҳамда ҳўжа-лик бошқаруви идораларига қарашли санаторий-соғлом-лаштириш муассасаларида беғул даволашни имкони-я-

тига эга бўлишди. Бу бора-даги барча сарф-харажатлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланиши кўзда тутилган. Зотан хонадонлар-миз фариштаси ва сариштаси саналадиган ёши улўғ инсон-лар ҳар қанча эъзозга лойи-қдир. Уларнинг босиб ўтган йўли ёш авлод вакиллари учун ўзига хос намуна, ибрат мактаби бўлишга арзийди, де-сак асло янглишмаймиз.

Кенга — кен дунё. Сафи-мизда нуроний чехраларидан меҳр шўъласи ёғилиб туради-ган, ўғит ва маслаҳатларига ҳар он, ҳар дақиқада эҳтиёж сезиладиган қарияларнинг борлиги энг катта бахтимиздир. Уларнинг иродаси нечоғлиқ мустаҳкам бўлса, кўнгиллари шунчалик нозик эканлигини бир дақиқа бўлса-да, унутмас-лигимиз лозим. Зеро, яхшилик-ка фақат яхшилик қайтади.

— Етказганига шукр, — дейди Марғилон шаҳрининг «Ариқ бўйи» маҳалласида яшовчи 92 ёшли отахон, уруш ва меҳнат фахрийси Ҳо-шимжон Ниёзбеков. — Ярат-ганнинг марҳамати билан ҳаётимиз тобора янги маъ-но ва мазмун касб этмоқда. Айни чоғда ўтмишнинг ҳам

унутишга ҳаққимиз йўқ. Бу-гунги саодатли кунлар ортида қанчадан-қанча машаққатлар ётганини биз тенги авлод жуда яхши билади. Навқирон ёшлигимиз Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келган. Озиқ-овқатдан тортиб кий-им-кечаккача фронтга жўна-тилар, шу боис оч-яланғоч яшашга маҳкум эдик. Ўзим ҳам 1942 йилнинг ёзида уруш-га кетдим. Ўша суронли йил-ларни эсласам, юрагим ҳамон орқага тортиб кетади. Негаки, жангтоҳларда жон олиб жон бериш, неча бор ўлиб тир-илишга тўғри келган.

Урушдан эсон-эмон қайт-гач, дастлаб чегара қўшинла-рида хизмат қилдим, кейин-чалик ўрта мактабда ёшларга ҳарбий фандан сабоқ бердим. Ҳозир нафақада бўлсам-да, жамоат ишларидан узилиб қолганим йўқ. Маҳалла аҳли-нинг иссиқ-совуғидан ҳаммиша хабардорман. Тўғрисини ай-тганда, бугунги ёшларга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Чунки илм олиш, ҳўнар ўрг-аниш учун барча шароитлар яратилган. Қандай орзу-ҳавас бўлсин, бемалол эриша оли-шади. Биз эса уларнинг ёши-да кўлга қурол олиб, фронтда

Уюшқоқлик — бош мезон

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 3-Бухоро сайлов округи ҳудудида 500 та сайлов участкаси ташкил этилган. Округ сайлов комиссияси улар фаолиятини амалдаги қонунлар доирасида йўлга қўйишга кўмаклашиш мақсадида участка сайлов комиссиялари раислари, уларнинг ўринбосарлари ва котиблари учун туманлараро ўқув-семинарларини ўтказаяпти. Ушбу тадбирлар давомида олимлар, Фўқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти минтақавий бўлинимаси экспертлари бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш, сайлов участкаларида она-бола ва тиббиёт хоналарини жиҳозлаш, фўқароларнинг қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар, тарғибот материаллари билан танишишлари учун кенг имконият яратиш, сайловчилар рўйхатини шакллантириш, иш ҳўжжатларини юритиш тартиблари масалалари юзасидан атрофлича сўз юритмоқдалар. Жўмладан, Вобкент туманидаги 151-участка сайлов комиссиясида ўтказилган амалий семинарда сайловнинг миллий қонунчилигимиз тамойилларига мувофиқ очкиқлик, ошкоралик, адолатлилик асосида ўтишини таъминлаш бўйича тегишли вазифалар белгилаб олинди. Бу эса, ўз навбатида, бутун мамлакатимизда бўлганидек, ана шу ҳудудда ҳам сиёсий кампаниянинг юксак уюшқоқлик билан ўтишини таъминлашда муҳим ўрин тутadi. Асхор ИСТАМОВ.

Манзилли дастурлар ижросини партия назорат қилади

Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, таркибий ўзгаришлар, жумладан, аграр соҳани ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалиётга изчил жорий этилаётгани нафақат халқимиз эҳтиёжларини таъминлаш, балки озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятларини ҳам кенгайтирмоқда

Темур АБДУРАҲМОНОВ, «XXI asr»

Агар мустақиллик йилларида жон бошига тўғри келадиган озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича эришилган натижаларга назар ташлайдиган бўлсак, гўшт истеъмоли 1,4 марта, сут 1,3 баробар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари 2,6, картошка 2, мевалар истеъмоли 6,4 карра ошганига гувоҳ бўламиз.

Масалан, биргина 2014 йилнинг ўзида ҳудудларда озиқ-овқат саноати йўналишида қиймати 322,3 млрд. сўмлик 1180 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Янаям аниқроқ айтидиган бўлсак, 412 та корхона реконструкция ва модернизация қилинди. Уларнинг 138 таси сутни, 72 таси гўштни, 110 таси мева-сабзавот ва узумни, 860 таси бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашга йўналтирилган. Энг муҳими, мазкур лойиҳалар ташаббускорларининг 40 таси давлат улушига эга ташкилотлар, 7 таси қўшма корхона, қолган 1133 таси, яъни 96 фоизи бевосита кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда кўп тармоқли фермер ҳўжаликларидир.

Ана шу рақамларнинг ўзиёқ озиқ-овқат тармоғида О‘зLiDeP электорати бўлган юртдошларимизнинг мамлакат иқтисодиётда нечоғли катта кучга айланганини яққол кўрсатиб турибди.

Маълумки, О‘зLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг 2014 йил 25 мартдаги «Мамлакатда 2014 йилда озиқ-овқат саноатида амалга ошириладиган манзилли дастурларнинг ижроси юзасидан жойларда фаол жамоатчилик

ва партиявий назоратни таъминлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Мана, орадан бир йил вақт ўтди. Энди ғалвирни сўвдан кўтариб, эришилган натижаларни яна бир карра таҳлил этиш, ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлардан тегишли хулосалар чиқариб, янги режалар тузиш фурсати етди.

Очигини айтганда, юқорида номи зикр этилган қарор ижросининг тўлиқ бажарилишида О‘зLiDePнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари ўзларига бириктирилган вазифаларни адо этиш учун бор имкониятларини сафарбар қилдилар. Жумладан, жойлардаги депутатлик гуруҳлари ва бошланғич партия ташкилотлари томонидан ўтказилган мониторинг ўз самарасини берди. Айниқса, лойиҳа ташаббускорларига режаларини амалга ошириш жараёнида юзага келган айрим муаммолар, жумладан, кредитлар олиш, технологик ускуналар етказиб берилишида узилишларга йўл қўймаслик, ер ва бинолар ажратиш, тегишли муҳандислик коммуникацияларига уланиш, ахборот ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатишда депутатлик сўровлари, депутатлик гуруҳи ашитувларининг ташкил қилингани, назорат-таҳлил механизмларидан фойдаланилганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ушбу йўналишда турли ташкилот ва идораларга 119 та ҳолат юзасидан депутатлик сўрови юборилди. 16 та назорат-таҳлил, 50 та депутатлик гуруҳи эшитувчи ташкил этил-



гани шулар жумласидандир. Мавжуд ҳолатлар юзасидан 400 га яқин мониторинг ўтказилиши натижасида амалий чоралар кўрилиб, 125 таси ижобий ҳал этилди.

Эндиги вазифа эса Юртбошимизнинг парламент палаталари қўшма мажлиси ҳамда О‘зLiDeP VII Съезидаги маърузаларидаги устувор йўналишлардан келиб чиқиб, партиянинг барча тузилмалари, хусусан, Олий Мажлисдаги фракциясидан тортиб, бошланғич партия ташкилотларигача бўлган бўғинларни галдаги мақсадларга сафарбар этишдир. Ушбу вазифалар О‘зLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг яқинда қабул қилинган қарориди аниқ-тиниқ белгиланган. Ана шундан келиб чиқиб, О‘зLiDeP фракцияси халқ депутатлари вилоят кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини, вилоят кенгашлари депутатлари туман ва шаҳар

кенгашларига сайланган партия депутатлик гуруҳлари ишини, туман ва шаҳар депутатлари эса бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ўз назоратларига олади. Энг муҳими, ушбу жараён фақат назорат этиш билан чегараланмайди. Жойларда амалга оширилган ишларга эришилган натижаларга қараб баҳо берилади. «Қўйидан — юқорига» тамойилининг аҳамияти янада ортади. Қўйи ташкилотлар имконияти етмай қолган тақдирда муаммога юқори ташкилотлар жалб этилади. Бу тажриба О‘зLiDeP бошқарув тизимида кейинги йилларда синовдан ўтиб, амалиётда ўзини тўлиқ оқлай бошлади. Ушбу механизмнинг беҳато ишлаши эса республикаимиз ҳудудларида озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий корхоналар ташкил этиш, мавжудларини янада мукаммаллаштиришда ўзи-

га хос омил бўлади ва жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда кўп тармоқли фермер ҳўжаликларни ривожлантириш дастурида белгиланган 12 минг 342 та янги фермер ҳўжалигида интенсив боғлар, янги тоқзорлар, сервис хизматлари ва қайта ишлаш саноатини йўлга қўйишга доир лойиҳалар ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Партия — давлат идораси эмас. Шу боис барча тараққий этган мамлакатлар тажрибасида ўзини оқлаб келаётган жамоатчилик назорати институти афзалликларини мукаммал даражада ўрганиб, амалиётга изчил жорий этишини О‘зLiDeP фаолиятининг етакчи йўналишларидан бирига айлантириш барча тузилмалар олдида турган энг муҳим вазифадир. Юқорида таъкидланган қарор ва унинг ижроси эса ушбу йўналишдаги дадиг қдамлардан бири бўлиб қолиши шак-шубҳасиз.

Мажбурий маркировка

Давлат божхона кўмитасида ўтказилган «Товарларни махсус идентификацион белгилар билан маркалаш» мавзuidaги матбуот анжуманида ишлаб чиқариш субъектларининг кенг кўламда фаолият кўрсатиши ва улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, товарларни ноқонуний равишда келтириш ва сотишнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида атрофлича маълумот берилди

Фахриддин НУРАЛИЕВ, «XXI asr»

Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмол товарларининг айрим гуруҳларини Ўзбекистон Республикасига четдан келтиришни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар, жумладан, хориждан олиб келинаётган истеъмол товарлари айрим гуруҳларини махсус назорат белгилари билан маркировка қилиш қоидалари бузилган ҳолатлар қатъий назоратга олингани хусусида ахборот берилди.

Тадбирда қайд этилган

ндек, четдан келтириладиган 14 турдаги истеъмол товарлари, хусусан, маший техникаларга нисбатан мажбурий маркировка қилиш талаб қилинади. Мободо рўйхатга янги истеъмол товарлари киритилса, у ҳолда ўзгартиш кучга кирган кундан бошлаб 180 кун муддатда маркировка қилмаган ҳолда сотишга рухсат берилади.

— Истеъмол товарларини идентификация белгилари билан маркировка қилиш тўпалигича божхона органлари маблағлари ҳисобидан амалга ошири-

лаётган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларидан ҳеч қандай тўловлар олинмайди. Шу сабабли товарларнинг маркала-ниши товар таннаҳининг ошишига олиб келмайди, — дейди мазкур кўмита марказий лаборатория бошлиғи Бахтиёр Абдуғаниев. — Жорий қилинган янги тартибдан сўнг рўйхатга киритилган барча товарлар импорт бўйича 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 72,7 млрд. сўм кўп божхона тўловлари ундирилди.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Акция доирасидаги тиббий кўрик

Фарғона шаҳрида «Кесаларни эъозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган «Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди» номили акция доирасида етакчи клиникаларнинг малакали мутахассислари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда меҳнат фронтида жасорат кўрсатган фахрийларни қучураштирилган тиббий кўриқдан ўтказилад. — Давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг барчаси нурунийлар манфаати йўлида эканини эшитиб, жуда хурсанд бўлдик, — дейди меҳнат фахрийси Иброҳимжон ота Эрибаев. — Турли касалликлар бўйича юксак савидада ташкил этилган тиббий кўриқдан ўтдик. Кералии маслаҳат ва муолажалар олдик. Алоҳида таъкидлаш жоизки, Соғлиқни сақлаш вазирлиғи ташаббуси билан ташкил этилган мазкур акцияни вилоятнинг барча туманларида ўтказиш кўзда тутилган.

Ахроржон МУСУРМОНОВ.

Муқобил энергия имкониятлари

Савдо-саноат палатаси «Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ва энергияни тежаш соҳаларини ривожлантириш борасидаги янги имкониятлар» мавзусида давра суҳбати ўтказди. Иқтисодиёт вазирлиғи, «Ўзбекэнерго» ДАК, хорижий давлатлар экспертлари, хусусан, Корея яшил технологиялари марказининг (ГТС) энергия самарадорлиғи соҳасидаги етакчи мутахассислари иштирок этган тадбирда яшил технологияларни ривожлантиришнинг миллий сиёсатга мувофиқлигини таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқиш масалалари юзасидан фикр алмашилди. — Сўнгги йилларда саноат эҳтиёжлари учун энергия сарфини меъёрлаштириш долзарб масалалардан бирига айланди, — деди Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Инвар Икромов. — Зеро, жаҳон иқтисодиётида муқобил энергетикадан унумли фойдаланиш устувор аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда кўёш, шамол, биогаз энергиясидан кенг фойдаланиш учун барча имкониятлар мавжуд. Юртимизда кўёшли кунлар йилига 300 кундан ортиқ эканининг ўзиёқ катта бойлиқдир. Мунтазам шамол эсиб турадиган ҳудудлар ҳам кўп. Ушбу имкониятлардан унумли фойдаланиш натижасида муқобил энергия манбалари орқали аҳоли ва саноат корхоналарини узулқусиз энергия билан таъминлаш, шунингдек, атмосферага зарарли моддалар чиқаришни камайтириш мумкин.

Рисолат МАДИЕВА.

«Бекат»даги гўзаллик салои

Ўтган ўқув йилида Бобўут ижтимоий-иқтисодиёт коллежини битирган 174 нафар йигит-қизнинг 154 нафари бугунги кунгача мўким иш жойига эга бўлди. Шу ўринда «Гулистон фэйз барака текстиль» МЧЖ, «Хоразм гиламлари» ва «Mitash korret» хусусий корхоналари, тижорат банклари ва бошқа бир қатор ташкилотлар бандлиқни таъминлашга алоҳида ҳисса қўшаётганини айтиб ўтиш жоиз.

Тадбиркорлик билан шугулланиш истагини билдирган битирувчиларнинг 35 нафарига тижорат банклари томонидан жами 150 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Айни пайтда ёшлар чорвачилик, тикувчилик, сартарошлик, компьютер хизмати ва касаначилик йўналишларида хусусий тадбиркорлиқни йўлга қўйишмоқда.

— «Микрокредитбанк»нинг туман бўлимидан 7 миллион сўм миқорида кредит олиб, эчкичиликни ривожлантираяпман, — дейди коллежни «Солиқ ва солиққа тортиш» мутахассислиғи бўйича битирган Мафтуна Хотамбоева. — Эчки сутининг жуда кўп хасталикларга даво экани барчага маълум. Келажақда фаолиятини янада кенгайтириб, тенгдошларимни ҳам шу ишга жалб қилишни ният қилиб турибман. Мазкур коллежнинг яна бир битирувчиси Нигора Худойкулова эса «Ўзсаноатқурилишбанк»дан олган 4 миллион сўмлик кредит эвазига гўзаллик салонини очди.

Туманининг «Бекат» маҳалласида ишга тушган мазкур гўзаллик салоида меҳнат қилаётган қизлар қишлоқ аёлларининг ораста ва мафтункор бўлишига ҳисса қўшмоқдалар.

Дилора ЭСОНОВА.



Интернетнинг салбий жиҳатлари ҳам бор

О‘зLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан Нукус ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежиде «Хавфсиз интернет» мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

Партия фаоллари, Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси масъул ходимлари, талабалар ва ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирда айни кунда мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 10 млн. 200 минг кишидан ошиб кетгани, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз келажиги учун масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир куч сифатида майдонга чиқаётган ёш авлодни ахборот маконидаги таҳдидлардан асраш, турли веб-сайтлар орқали кириб келаётган ёт гоьлар йўлини тўсиш лозимлиғи таъкидланди.

— Интернетнинг фойдали жиҳатлари билан бирга қатор зарарли томонлари ҳам бор, — дейди О‘зLiDeP Нукус шаҳар кенгаши раиси ўринбосари З.Баекеев. — Чунки интернет айрим ҳолларда ёшлар онгини заҳарлаб, уларга ўз кучи ва имкониятларига ишонмаслиқни ўргатмоқда. Шунинг учун ҳам О‘зLiDeP ўз Дастурида навқирон авлодни интернетнинг зарарли таъсирларидан муҳофазе қилиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, айниқса, коллеж битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб этишни асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб олган. Суҳбат давомида коллеж талабалари эътиборига партия томонидан ҳар йили ўтказилиб келинаётган «Диплом билан — бизнесга», «Парламентда менинг ўрним», «Ёш олимлар ва мутахассислар», «Ишбилармон талаба», «Хавфсиз интернет» ва «Келажак фермери» лойиҳаларининг тақдироти ҳавола этилди.

О‘зLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати.

Етакчи аёллар сафи кенгаймоқда

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида, хусусан, мамлакатни модернизациялаш ва демократлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда фаол хотин-қизларнинг алоҳида ўрни бор. Бу муҳим ишга О‘зLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиғи, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими ҳам катта ҳисса қўшиб келаётир

Дилноза НОМОЗОВА, «XXI asr»

Айниқса, аъъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага», «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» сингари партиявий лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ҳамда туман, шаҳар, республика босқичи голибларининг муносиб раббатлантирилаётгани хотин-қизларнинг партиявий тадбирларга қизиқишини янада кучайтирмоқда.

— Аёлларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва тадбиркорлик борасидаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш партияимиз Ҳаракат дастурининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади, — дейди мазкур бўлим мудири Дилноза Абдуллажоновва. — Зеро, тадбиркор аёллар манфаатини ҳимоя қилиш, қўшимча иш ўрнилари яратишга кўмаклашиш, дугоналаримизда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш ва уларни бизнесга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Бугун пойтахтимиздаги партия аъзолари сони 37 минг 135 нафарни ташкил этса, унинг 15 минг 593 на-



фари хотин-қизлардир. 1071 БПТнинг 475 тасини бевосита аёллар бошқариб келаётгани эса сафларимизда раҳбарлик лаёқатига эга хотин-қизлар йил сайин кўпайиб бораётганидан далолатдир.

Таъкидлаш жоизки, 2014 йилда қатор лойиҳалар доирасида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида 900 млн. 754 минг сўм миқдориди имтиёзли кредитлар олинishiга эришилди. Ушбу молиявий кўмак натижасида опа-сингилларимиз янги корхоналар очишди, фаолиятларини кенгайтириб, иш ўринларини яратишди. Жумладан, касб-ҳунар коллежа-

рининг 335 нафар битирувчи қизлари иш билан таъминланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган ишбилармон партия фаолларидан бири — Миробод туманида истиқомат қилувчи Фароғат Эргашевадир. Каштачилик сир-асрорларига болагилгидан меҳр қўйган Фароғат опа 2009 йилдан буён кичик корхонасида тайёрланаётган бежирим, ранго-ранг ва харидорғир дўппи, сўзана, дастурхон каби миллий маҳсулотлари билан маҳаллий бозорларимизни таъминлаш баробарида буюртма асоси-

да Мисрға экспорт қилишга ҳам эришмоқда. Хитой, Малайзия сингари давлатларда ўтган халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, хорижликларни ўз маҳсулотлари билан лол қолдиргани алоҳида таҳсинга лойиқ. Айни пайтда бу ерда 5 нафар хотин-қиз доимий иш билан банд. «Устоз-шогирд» аъъанасини давом эттирган ҳолда 50 нафардан зиёд қизга касб сирларини ўргатмоқда. Фароғат опа сингари ишбилармон опа-сингилларимиз талайгина. Аксарияти О‘зLiDePra аъзо бундай фаоллар тикувчилик, меҳмонхона бизнеси, хусусий клиника ва бошқа йўналишлардаги тадбиркорлик субъектларига етакчилик қилиб келишаяпти. Улардаги қатъият, мустаҳкам ирода, хушфёълликни кўриб, ҳавасингиз келади.

Жорий йилда ҳам бўлим томонидан «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси доирасида тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ниятидаги кўплаб аёлларга кўмаклашиш кўзда тутилган. «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси-муда эса оналик ва балиқлиқни муҳофаза этиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, вояга етмаганлар ва қариндош-уруғлар ўртасидаги низоҳларнинг олдини олиш

каби долзарб вазифалар режалаштирилган.

— Хотин-қизларнинг маънавий дунёсини бойитиш, уларнинг тиббий саводхонлигини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О‘зLiDeP фракцияси аъзоси Дилором Файзиева. — Келажағимиз ворисларини муносиб авлод этиб тарбиялаш, аввало, аёлларимиз зиммасидадир. Партиянинг «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси асосида 2014 йилда шаҳар бўйича 10 мингга яқин ижтимоий ҳомояга муҳтож оиладаги хотин-қизлар замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган хусусий клиникаларда бепул тиббий кўриқдан ўтказилди. Мақсадимиз — ҳар бир қиз янги ҳаёт бўсағасига қадам қўяр экан, соғлом болани дунёга келтириши учун аввало соғлом турмуш тарзи, репродуктив саломатликка риоя қилиши зарурлигини тушунтириш. Зеро, миллитимиз генофонди саломатлигини асраб-авайлаш ҳар бир аёл, бўлажак она зиммасига улкан масъулият юклайди.

Уларнинг катта қисми О‘зLiDeP аъзолари эканлиғи эса мамлакатимизда либерал гоьлар тобора оммалашиб бораётганидан далолатдир.



ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

меҳнатсевар, бағрикенг,
меҳмондўст, бунёдкор халқимизни
ўлкамизга фасллар
келинчаги бўлмиш баҳор ҳамда
Наврўзи оламнинг кириб келиши
билан самимий муборакбод этади.
Барчангизга бахт, соғлиқ,
тинчлик-хотиржамлик
ва омад тилаймиз.
Эркимиз, шону шавкатимиз
бокий бўлсин, азизлар!

«САМАРҚАНД ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ» акциядорлик жамияти жамоаси

Ўзбекистон аҳлини бирдамлик,
бунёдкорлик ва эзгулик тимсоли —
Наврўз байрами
билан самимий табриклайди.
Вужудимизни ҳаётбахш
умидлар камраб олиши,
янгиланиш ва яшариш фасли
қалбларимизда акс-садо бериши
Наврўздан даракдир.
Ана шу завкли дамлар
сизни йил давомида тарк этмасин!



ДИҚҚАТ ТАНЛОВ! ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» X МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан
хамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг
юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари
фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит
яратиш ҳамда журналистларда танкидий фикрлашни ва
ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш
мақсадида «Олтин қалам» X Миллий мукофоти учун халқаро
танловни ўтказди.



3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кўнига бағишлан-
ган бу танловга 2014 йилнинг 31 мартидан 2015 йилнинг 31
мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп
этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидение-
да кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материал-
лар 2015 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

**Танлов ғолиблари учун қўйидаги мукофотлар таъсис
этилган:**

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.
Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони,
статуткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг
кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорда пул мукофоти
билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот
(телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот
(радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот
(босма ОАВ — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот
(интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам»
кўкрак нишони, статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 160
баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланадилар.
Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин
қалам» кўкрак нишони, статуткаси ва энг кам иш ҳақининг
140 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирлана-
дилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам»
кўкрак нишони, статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 120
баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинациялар:
энг яхши фоторепортаж;

энг яхши матбуот хизмати.

Маъжур номинациялар ғолиблари диплом, «Олтин қа-
лам» кўкрак нишони, статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 50

баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланадилар.
«Олтин қалам» танлови ғолибларини мукофотлаш,
шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нода-
влат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг
бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди-
нинг молжавий қўмағида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбеки-
стондаги ваколатхоналари ва республикадаги жамоат
ташкилотлари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини
таъсис этган.

Танлов шартлари:

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интер-
нет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5
тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташув-
чи воситанинг қандай қўринишда бўлишидан қатъи назар, 3
дақиқадан 30 дақиқачага бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (CD, DVD дискда) 5 дақиқадан 30
дақиқачага бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки
кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

**Танловга юборилган материалларга қўйидагилар
илова қилиниши лозим:**

— муаллиф ҳақида маълумотнома;

— муаллифнинг турар-жойи, уй ва иш телефонлари;

— паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими
— Жаҳон матбуоти эркинлиги кўни арафасида «Туркистон»
саройида ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

**Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрса-
тилган ҳолда қўйидаги маъзила юборилиши лозим:**

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-кават, 35-
хона.Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87. www.journalist.uz

ДИҚҚАТ, «ЁШ ОЛИМЛАР ВА МУТАХАССИСЛАР-2015» ТАНЛОВИ!

**«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини
ривожлантириш Концепцияси»да ва О`zLiDeP Дастурида назарда тутилган устувор
вазифаларни ҳал этиш, ёш олимларни илмий-тадқиқот, ижодий ва бунёдкорлик фаолиятига
кенг жалб этиш, ёш мутахассисларнинг давлат ва жамият ривожининг турли тармоқларида
иштирокини таъминлаш, уларнинг касбий, ижодий ва хизмат соҳаларида ўсиши учун
имконият яратиш, юқори малакали, мустақил ижодий фикрлайдиган етуқ кадрлар сифатида
шаклланишларига кўмак бериш мақсадида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати —
Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси «Ёш олимлар
ва мутахассислар танлови» ўтказишини маълум қилади.**

Танловда 36 ёшгача бўлган магистрантлар,
ёш олимлар ва мутахассислар иштирок этиши
мумкин.

Танлов иштирокчилари қўйидаги долзарб
йўналишлар бўйича ёзма илмий ишлар билан
қатнашиши мумкин:

I. Давлат ва жамият бошқарувини демократ-
лаштириш ва фуқаролик жамиятини шаклланти-
риш соҳасида.

II Қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ
тизимини янада либераллаштириш соҳасида.

III. Бозор ислохотларини чуқурлаштириш,
иқтисодийётни либераллаштириш ва рақобатдо-
шлигини ошириш соҳасида.

Танлов 2015 йил ноябрь ойининг учинчи дека-

дасида Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ишланмаларни танлов комиссияси кўриб
чиқиши учун 2015 йил 25 сентябргача қўйидаги
манзила етказиш зарур: Тадбиркорлар ва ишби-
лармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-де-
мократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия
қўмитаси (Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73-А уй,
e-mail: yoshlar@uzlidep.uz тел: (371) 255 48 17,
255 46 36.

Танлов ғолибларига барча йўналишлар бўй-
ича энг яхши ишлар учун қимматбаҳо совғалар
тақдим этилади.

Бундан ташқари бир қатор рағбатлантирувчи
мукофотлар жорий этилган.

**Танлов ҳақидаги тўлиқ маълумотни
www.uzlidep.uz сайтидан олишингиз ва қўшимча ахборот учун
(8371) 255-48-17, 255-46-36 телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин.**

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий
Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2015 йил 16 февралдаги қарорига мувофиқ халқ депутатлари
вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига партиядан сайланган депутатлар ўртасида «Энг яхши
депутат» кўрик-танлови ўтказилади.**

Танлов ҳар йили 1 ноябрдан 5 декабргача икки
босқичда ўтказилади:

Биринчи босқич – 1 ноябрдан 25 ноябргача.

Иккинчи босқич – 25 ноябрдан 5 декабргача.

Танловда қатнашиш учун буюртма ва қатна-
шчиларнинг ахборот карталари электрон шаклда
tdop@uzlidep.uz манзилига юборилиши керак.

Танлов қатнашчиларига совринли ўринларни
бериш тўғрисидаги қарорни Танлов комиссияси қа-
бул қилади. Танлов комиссияси таркиби О`zLiDeP
Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарори билан
тасдиқланади.

Танлов комиссияси томонидан қатнашчилар
тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиш натижа-
ларига асосан қўйидаги номинациялар бўйича энг
яхши депутатлар аниқланади:

«Депутатлик (жамоатчилик) назорати»

«Одамларга яқин бўлган депутат»

«Партиявий лойиҳа»

«Депутат — устоз»

«Фаолиятда самарадорлик»

«Ташаббускор депутат»

Танловнинг ҳар бир қатнашчиси учтадан кўп
бўлмаган номинацияларда қатнашиш учун ҳужжат
топширишга ҳақлидир.

Танлов Низоми, танлов қатнашчилари фаоли-
ятини баҳолаш мезонлари, танловда қатнашиш
учун буюртма ва қатнашчиларнинг ахборот карта-
лари uzlidep.uz электрон манзилида жойлаштири-
лади.

Танлов якунида Танлов комиссияси ҳар бир
номинация бўйича ғолибни аниқлайди.

Номинация бўйича ғолиблар диплом ва қим-
матбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Номинация бўйича ғолиблар ичидан йилнинг
энг яхши депутати аниқланади ва «GRAND PR!»
мукофоти билан тақдирланади.

**Қўшимча маълумотларни 255-04-57
ва 255-92-90 телефон рақамларидан олиш мумкин.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА



Сармоялар тадбиркорлик ривожига хизмат қилмоқда

Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир минтақасида бўлгани сингари Сирдарё вилоятида ҳам аҳолига юқори даражада сифатли ва замонавий банк хизматларини кўрсатиш, янги иш ўринлари ташкил қилиш, аҳоли даромадларини ошириш, иқтисодийётнинг барча тармоқларини, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича самарали ишлар олиб боришмоқда. Бу борада «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкининг Сирдарё вилоят филиали жамоаси томонидан олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқдир

Етакчилик мавқеини сақлаб келаётган «Асака» банк Сирдарё вилоят филиали ўз миқозларига барча турдаги банк хизматларини тақдим этмоқда. Филиал жамоаси иқтисодиёт тармоқларини янада ривожлантириш билан бир қаторда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Кичик бизнесни ривожлантириш мақсадларига йўналтирилаётган кредит маблағлари ҳажми йилдан-йилга ортиб, ўзининг юқори натижаларини бермоқда. Мазкур йўналишдаги ишлар жорий йилда ҳам қизгин давом эттириляпти.

«Асака» банк Сирдарё вилоят филиали кредит портфели ҳажми 2015 йил 1 январь ҳолатига 44,5 млрд. сўмдан ошди. Кредит қўйилмаларининг асосий қисмини узоқ муддатли кредитлар ташкил этди.

Банк филиали томонидан ўтган йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга 19,4 млрд. сўм миқдорига кредит маблағлари ажратилди. Бу маблағлар ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатиш қўламларини кенгайтириш, худуд иқтисодиёти ва иқтисомий турмушини юксалтиришга хизмат қилиши ва қолаверса, мамлакат куч-қудратини оширишга муносиб улуш бўлиб қўшилиши баробарида қўшимча 290 та янги иш ўрни яратилиши асосида коллежларнинг 80 нафар битирув-чисини иш билан таъминланишига хизмат қилди.

Юртбошимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори тадбиркорлик равнақи йўлида яна бир муҳим қадам бўлганини қайд этиш лозим. Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар замирида одамларнинг фаровон ҳаёт кечириши, турмуши бундан-да обод ва гўзал бўлишини таъминлаш муддаоси намоян эканлигини яққол тасдиқловчи мазкур дастуриламал ҳужжат талаблари доирасида тадбиркорлар ўтган йили 5,7 млрд. сўм миқдорига кредит маблағлари билан таъминландилар.

Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий нооziқ-овқат истеъмола товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилиши рағбатлантириш борасида»ги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ихроси юзасидан ажратилган кредитлар эса 4,4 млрд. сўмдан ошди. Жаҳон тажрибасидан маълумки, янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларининг оёққа туриб олиши осон кечмайди. Бундай паллада уларни изчил равишда қўллаб-қувватлаш, тасарруфидидаги бошланғич капитал молиявий манбаларини қўпайтиришга фаол қўмаклашиш лозим.

Мазкур банк филиали томонидан 2015 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 25,0 млрд. сўм миқдорига кредитлар ажратилиши режалаштирилган бўлиб, шундан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 2,6 млрд. сўм, аёллар тадбиркорлигини ташкил этишга 1,7 млрд. сўм, озиқ-овқат ва но-оziқ-овқат ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун 13,6 млрд. сўм йўналтирилади. Бундан ташқари, жорий йилда тадбиркорларга 4,3 млрд. сўм миқдорига микрокредитлар берилади.

Феруза НИШАНОВА,
«Наспли кумуш курка»
фермер хўжалиги
раҳбари:

— Фермер хўжалигимиз «Асака» банк билан яқин ҳамкорлик натижасида улкан муваффақиятларга эришди. Кредит сармоясини туфайли қаддини тиклабгина қолмасдан, босқичма-босқич ривожланди. Банкдан олинган кредит маблағи эвазига яқинда яна 8 та янги иш ўрни яратилди. Энг муҳими, фермер хўжалигимизда етиштирилаётган экологик сифатли тухум ва гўшт маҳсулотлари бозорда ўз харидорларига эга бўлмоқда. Тадбиркорлик инсонни фаровонликка, бахтли келажакка етаклайдиган шундай нурли йўлки, унга жазм этган ҳар бир киши нафақат ўзи, балки эл-юртининг ҳам маъмурияти, бахтли келажакни ярата олади. Шу маънода келгусида халқимиз дастурхонини янада фаровон ва тўкин қилишга ҳисса қўлишни

ният қилиб турибмиз. Албатта, бу борада «Асака» банк бизнеснинг яқин ва ишончли ҳамкоримиз, доимий мададкоримиз эканлигидан хурсандман.

Ойбек СОТИБАЛДИЕВ,
«GUL-REN-TEKS»
масъулияти чекланган
жамияти раҳбари:

— Ниятимиз юксак ва хайрли. Мақсадимиз енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш мажмуаси бунёдкорлик ишларини ниҳоясига етказиш ва уни тўла ишга туширишдан иборат. Ушбу ташаббусимиз замирида эзгу ният ётганлигини англаган «Асака» банк маъмурияти лойиҳамизни молиялаштиришга қарор қилди. Ташкилотимиз тасарруфидидаги маблағга банкнинг кредит сармоясини қўшилган, ишимиз суръати ва сифати кескин ортди.

Алоҳида эътироф этиш лозимки, жаҳонда енгил саноат соҳаси жадал ривожланмоқда. Шуни назарда тутган ҳолда бунёд этилаётган фабрика-мизни бир неча ўн йиллардан кейин ҳам одамларга манзур бўладиган миллий ва замонавий кийим-кечаклар билан таъминлаш имконини берувчи истиқболли машина ва ускуналар билан жиҳозлашни асосий мақсад қилиб белгиланган. Банк кредити ва ўз маблағларимиз айнан шу борадаги лойиҳаларни молиявий жиҳатдан қоплашга йўналтириляпти. Бунинг натижасида қўшимча 30 та янги иш ўрни яратилиб, уларга вилоятимиз ёшлари, шу жумладан, 23 нафар касб-хунар коллежи битирув-чисини жалб қилинди.

Тадбиркорларнинг чин мададкорига айланган «Асака» банкга самимий миннатдорлик билдираимиз, юртимиз аҳлини эса юксак инсоний фазилатлар ва қадриятларимиз тимсоли — фасли навбахор айёми билан самимий муборакбод этамиз.

Аҳмад РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Сайхунобод туманидаги
«Раҳматилло Чорвадор»
фермер хўжалиги
бошлиги:

— «Асака» банк томонидан ажратилган кредит маблағи фермер хўжалигимизни кўп тармоқли хўжаликка айлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнади. Ушбу кредит маблағи

эвазига бир йўла четдан олиб келинган, иқлим шароитимизга мос 254 бош наслдор қорамол, сутни қайта ишлаш ускунаси харид қилиш ҳамда ферма биносини замонавий лойиҳа асосида қуришга муваффақ бўлдик. Бунинг натижасида қўшимча 22 та янги иш ўрни яратилди. Унга қишлоғимиз ёшлари, шу жумладан, 10 нафар касб-хунар коллежи битирув-чисини жалб қилдик. Бугунга келиб чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигимиз қарамоллари қорамоллар сони 490 бошга етди. Уларнинг барчаси хориждан келтирилган наслдор ва маҳсулдор қорамоллардир. Ҳозир кўп тармоқли хўжалигимиз моддий ва молиявий барқарорлик йўлидан дадил бораёпти. Ўтган йилнинг ўзида биргина сут ишлаб чиқаришдан 50,5 млн. сўм даромад олдик. 245 бош наслдор қора молларни қўпайтиришга эришдик.

Ўтган қисқа фурсат ичида «Асака» банк ва фермер хўжалигимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари давр синовидан ўтди. Бундай муҳитга кредит шартномаси талабларига томонларнинг пухта ва қатъий амал қилиши туфайли эришилди.

Хўжалигимиз банк сармоялари шарофатидан иқтисодий барқарорликка эришаётган экан, ўртадаги ишончли ва фойдали ҳамкорлик бундан кейин ҳам самарали давом этишига астойдил умид боғлаймиз.

Раъно АЗИМБОВА,
якка тадбиркор:

— «Асака» банк билан молиявий ҳамкорлик ўрнатганимизда, қўзлаган режаларимиз бу қадар тез рўйишга чиқаришга ишонмаган эдик. Ростини айтсам, бироз шошиб ҳам қолдик. Сабаби тез орада «Асака» банк кредити ҳисобига замонавий тикув машиналари сотиб олиш имконияти яратилди. Корхонамиз қуни кеча ўз фаолиятини бошлади. 8 та янги иш ўрни очилди. Тадбиркорларнинг чин мададкорига айланган «Асака» банкга самимий миннатдорлик билдираимиз, юртимиз аҳлини эса янгиланиш ва яшариш айёми бўлиши Наврўз билан самимий қутлаймиз.

Шаҳзод НАЗАРОВ
тайёрлади.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ НАЗОРАТИ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

ҳамюртларимизни барча
орзиқиб кутадиган,
шарқона янги йил дебочаси бўлмиш
НАВРЎЗИ ОЛАМ
билан самимий муборакбод этади.
Она табиатда рўй бераётган яшариш,
янгиланишларни қалбидан
ўтказаётган ватандошларимиз
яна бир Наврўзга,
гўзал ҳаётнинг бебаҳо неъматларига
эсон-омон етгани,
элимиз тинчлиги ва
фаровонлигига кўз тегмасин!



Интизорбону
АБДАЛНИЁЗОВА,
Тошкент шаҳридаги «Дастон акфа плюс» хусусий корхонаси раҳбари

Албатта, тадбиркорлик ривожининг биринчи навбатда пухта бизнес-режа, қолаверса, молиявий маблағ билан чамбарчас боғлиқ. Бусиз қутилган натижаларга эришиб бўлмайди. Таъ-

кидлаш керакки, сўнгги йилларда банк билан миқоз ўртасидаги масофа тобора «қисқариб» бораёпти. Хусусан, тижорат банклари томонидан қабул шартларда тақлиф этилаётган хизматлар қўламини кенгайтиб, ҳар икки томон учун катта манфаат келтирмоқда. Мамлакатимиз молия бозорига алоҳида нуфузга эга бўлган «Микрокредитбанк»ни олайлик. Ушбу молия муассаси ўтган давр мобайнида тадбиркорларнинг энг яқин молиявий ҳамкорига айланди, десак асло хато қилмаймиз. Айни пайтда тақлиф этилаётган барча хизматлар асосан миқоз манфаатига йўналтирилганлиги билан эътиборга

молиқдир. Бис буни ўз фаолиятимиз мисолида кўриб турибмиз. Етти йил аввал «Дастон акфа плюс» хусусий корхонасига асос солган эдик. Ўтган давр мобайнида «Микрокредитбанк» билан ҳамкорлик қилиб, кам бўлмадик. Банк томонидан ўз вақтида ажратилган кредитлар ҳисобига ўз фаолиятимизни тобора кенгайтираёلمиз.

Ўтган йили банкнинг 158 миллион сўмлик микролизинги эвазига хориждан тузни қайта ишлаш ва қadoқлаш технологияларини харид қилдик. Айни пайтда улар ёрдамида кунига 3 тоннагача ош тузи қайта ишланиб ва йодланиб, сифатли қadoқланаёпти.

Бу борада корхонамизда меҳнат қилаётган 20 дан зиёд ишчи-хизматчининг ҳиссаси катта.

«Микрокредитбанк» билан ҳамкорликни жорий йилда ҳам давом эттириш ниятидамиз. Чунки банк хизматлари тадбиркорлар учун ҳар жиҳатдан қўлай ва манфаатлидир. Энг муҳими, бугун қўлида хунари, қалбида уқуви бўлган инсон борки, эътибордан четда қолмаяпти. Тадбиркорларимизнинг қобилияти, орзу-истаклари банк маблағлари эвазига рўёбга чиқмоқда. Бу саъй-ҳаракатлардан мақсад эса юрт равнақи, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

▷ РЕКЛАМА ЎРНИДА

Маҳаллий тадбиркорлар жаҳон бозорига чиқмоқда

Бунда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ўрни ва роли яққол кўзга ташланиб турибди

Фахриддин НУРАЛИЕВ,
«XXI asr»

Биргина 2015 йилнинг дастлабки ойларида 799 та тадбиркорлик субъектига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий хизматлар кўрсатилгани, жумладан, 604 нафар тадбиркорга ташқи бозорларни ўрганиш, 48 нафар ишбилармонга хориждан ишончли ҳамкор топишда амалий ёрдам берилгани, 119 та хусусий бизнес субъектига халқаро кўргазма ва ярмаркалар, тендерларда қатнашишга имконият яратилгани, хорижий давлатларнинг қонунчилигига мос рухсат берувчи ҳужжатлар, сертификат ва лицензиялар олишда ҳамда божхона расмийлаштирувида зарур хизматлар кўрсатилгани таҳсинга лойиқ

Ана шу кенг қўламли ишлар натижасида умумий қиймати 1,68 млрд. АҚШ долларига тенг экспорт шартномалари тузилиб, 243 нафар тадбиркор умумий қиймати 108,6 млн. АҚШ долларига тенг маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишга эришди.

Шугина эмас. Жамғарма томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулот турларини тизимли асосда таҳлил қилиш, уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлик даражасини аниқлаш ва шу асосда экспортбop маҳсулотларнинг жаҳон ва минтақавий бозорлар талаб-эҳтиёжига мос келишини таъминлашга

қаратилган маркетинг ишлари олиб борилишига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, ип калаваси, янги узилган ва қўритилган қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари, жун ва бошқа турдаги маҳсулотларга чет эллик ҳамкорлар топиш мақсадида хорижий мамлакатлар бозорлари изчил ўрганилиб, тегишли рўйхат тузилди ва

КЕНГ ҚўЛАМЛИ ИШЛАР НАТИЖАСИДА УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 1,68 МЛРД. АҚШ ДОЛЛАРИГА ТЕНГ ЭКСПОРТ ШАРТНОМАЛАРИ ТУЗИЛИБ, 243 НАФАР ТАДБИРКОР УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 108,6 МЛН. АҚШ ДОЛЛАРИГА ТЕНГ МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАРНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШГА ЭРИШДИ.

тадбиркорларга тарқатилди. Бундан ташқари маҳсулотлар, хусусан, мева ва сабзавотларни экспорт қилишда юзага келадиган транспорт харажатлари бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрланди.

Шу ўринда жамғарма томонидан маҳаллий тадбиркорларнинг халқаро кўргазмаларда иштирок этишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳам яхши самара бераётганини таъкидлаш жоиз. Бунга элликдан ортиқ вакилларимизнинг юздан зиёд турдаги маҳсулотлари Берлин шаҳрида бўлиб ўтган «Яшил ҳафта-2015» халқаро кўргазмасида намойиш этилиши, дунёнинг нуфузли корхоналари билан музокаралар ўтказилиб, бир неча турдаги қўритилган мевалар бўйича экспорт шартномалари тузилгани яққол мисол бўла олади.

Жамғарманинг Фарғона вилоят филиали ташкилий

ва молиявий қўмағида 27 нафар тадбиркорнинг Россия Федерациясида музокаралар ўтказиш ва экспорт шартномаларини тузиш учун имконият яратиб берилди. Уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 16 млн. сўмлик қўмак берилди. Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти бўйича умумий қиймати 2,5 млн. долларга

тенг келишувлар имзоланди. 30 млн. долларлик экспорт шартномалари ва Ўзбекистонда 4 та қўшма корхона очиш бўйича келишувларга эришилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республикамизнинг барча туманларида экспортчи корхоналар муаммоларини ўрганиш, ишлаб чиқарувчиларни бундай фаолиятга янада кенг жалб қилиш масалаларига бағишланган тадбирларнинг доимий ўтказилиб келинаётгани ҳам эътиборга молик. Хусусан, жамғарма «Худудий иқтисодий ҳамкорлик» лойиҳаси билан биргаликда жорий йилнинг 19-20 февраль кунлари Фарғона вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ва унда логистика тизимларининг ўрни масалаларига бағишланган икки кунлик давра суҳбатини ўтказди. Унда Ўзбекистоннинг Латви-

ядаги савдо уйи, Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятида фаолият кўрсатувчи деҳқон ва фермер хўжаликлари, агрофирмалар, транспорт-логистика компаниялари, қишлоқ хўжалигида банд кичик бизнес корхоналари масъул ходимлари иштирок этди ва умумий қиймати 121,1 млн. долларлик 21 та келишув битими имзоланди.

Худди шундай учрашув ва давра суҳбатлари Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ва Хоразм вилоятларида ҳам ташкил этилиб, уларда жами 1370 нафар тадбиркор ва фермер иштирок этди.

Яқинда жамғарманинг Савдо-саноат палатаси билан биргаликда хунармандчилик, тўқимачилик саноати, машинасозлик ва қурилиш соҳаларида фаолият кўрсатувчи тадбиркорларни мамлакатда яратилаётган қўлай шарт-шароитлар билан таништириш, уларнинг муаммоларини ўрганиш, ечимини излаш ҳамда экспорт фаолиятига жалб қилиш мақсадида туркум тадбирлар ташкил этишга киришди.

Хулоса қилиб айтганда, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар сафини кенгайтириш, улар томонидан тайёрланган маҳсулот турларини кўпайтириш, мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Кичик бизнесга — катта эътибор



қувватлаш мақсадида қарийб 75 млрд. сўм, сервис соҳасини такомиллаштириш учун эса 107 млрд. сўмдан ортиқ кредит сармоялари йўналтирилди

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Албатта, турмуш фаровонлигини юксалтириш, аҳоли реал даромадларини кўпайтириш, жойларда замонавий хизмат турларини жорий этиш молия муассасалари фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Бу эса улар олдида янгидан-янги талабларни қўймоқда. Зеро, бошланғич сармоя тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. «Ипотека банк» жамоаси шундан келиб чиқиб, истиқболли бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга биринчи даражали эътибор қаратмоқда. Жумладан, ўтган йили соҳага жами 161,5 млрд. сўм, оилавий тадбиркорлик ҳамда хунармандчиликни ривожлантириш учун эса 8,3 млрд. сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Ёшлар, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш янгидан-янги имкониятларни юзага чиқармоқда. Бултурнинг ўзида ушбу мақсадга қаратилган 15,5 млрд. сўм миқдоридаги истиқболли лойиҳалар молиялаштирилди, ёш оилаларга ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун 10 млрд. сўмдан ортиқ микрокредитлар ажратилди. Натижада 15700 дан ортиқ янги иш ўрни яратилиб, қўллаб-қувватлаш муқим даромад манбаига эга бўлишди.

Таъкидлаш жоизки, айти кунда юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самарасини ҳар бир шаҳар ва қишлоқ мисолида кўриш мумкин. Янги технологиялар билан жиҳозланган ишлаб чиқариш объектлари, замонавий инфратузилмага эга бўлган хизмат кўр-

сатиш тармоқлари қўпайиб бораётганлиги янада қувонарлидир. Бу борада Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий нооziқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда. Қарор ижросини таъминлаш банк жамоаси диққат марказида турган асосий масалалардан биридир. Ўтган йили нооziқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштириш учун 162 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилган эди. Натижада жойларда қўллаб кичик корхоналар ташкил этилди, мавжудлари тубдан модернизация қилинди, қўшимча иш ўринлари яратилди. Қолаверса, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги бизнес лойиҳаларини рўёбга чиқариш учун қарийб 97 млрд. сўм миқдориди кредит ажратилди. Бу эса бозорларимиз мўл-кўллиги, дастурхонларимиз тўқинлигини таъминлашга хизмат қилаётир. Ўз навбатида, тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, уларнинг даромадига даромад қўшилмоқда.

Маълумки, «Ипотека банк» томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг энг яхши бизнес лойиҳалари бўйича танлов эълон қилинган эди. Республикаимз бўйича қўллаб тадбиркорлар ўз лойиҳалари билан иштирок этган танловнинг голиб ва совриндорлари пойтахтимизда саккизинчи бор ўтказилган «BankExpo-2015» миллий кўргазмаси доирасида тақдирландилар.

Унга кўра хорижий кредит линиялари ҳисобидан тадбиркорлик фаолияти

йўлга қўйилган энг яхши лойиҳа «MGA STAR GOLD» МЧЖ, экспортни рағбатлантириш борасида ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш бўйича амалга оширилган энг яхши лойиҳа «O'g'it savdo rlyus» корхонаси, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни молиялаштириш бўйича амалга оширилган энг яхши лойиҳа «Yormozor Sanoat Servis» хусусий корхонаси, касб-хунар коллежи битирувчиси томонидан тадбиркорлик фаолияти борасида амалга оширилган энг яхши лойиҳа ЯТТ «Hodjamqulova Aziza Ulug'bek qizi», аёлларнинг тадбиркорлик фаолияти борасидаги энг яхши лойиҳа «Umid va ishonch-L.R» корхонаси, энг намунали Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати «Neftchi» XUJMSH, банкнинг кредит маблағлари ҳисобига аҳолини, шу жумладан ёш оилаларни турар-жой билан таъминлашда фаол иштирок этган (эгаётган) энг яхши қурувчи лойиҳа — «Irrigatsiya Temir Beton Qurilish» МЧЖ, қариялар соғлигини тиклаш борасида тиббий хизматлар кўрсатувчи энг яхши лойиҳа сифатида эса «Salomatlik maskani» шифохонаси голиб деб топилдилар.

Уларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Умуман, «Ипотека банк» халқимиз турмуш шароитини яхшилаш, истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш, миқозлар талабини қондириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлида барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Бу эса банкнинг молия бозоридидаги ижтимоий мавқеини ошириш, унинг ислохотлар жараёнидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХУСУСИЙЛАШТИРИШ,
МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ
ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ
ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ
ЖАМОАСИ



*ватандошларимизни
дилларга илиқлик
бахш этиб кириб келаётган
Наврўзи олам билан
самимий муборақбод этади.
Сизларга бахт, соғлиқ,
хонадонингизга
тинчлик-хотиржамлик,
ишларингизда омад ёр
бўлишини тилаймиз, азизлар!*



СУҲБАТДОШ

Омоновнинг ошиқ-мошиқсиз дивани

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ахборот хизматининг хабар беришича, яқинда Ш. Собитов махсус йўрганлаш масоамаси бўлган болалар қаравотини ихтиро қилиб, ушбу янгилиги учун патент олиш мақсадида талабнома топширган. Яна бир кашфиётчи — Р.Омонов мебель саноати маҳсулотларини кенгайтириш ниятида универсал қаравот-курси дизайнини ихтиро қилганини маълум қилган. Аҳамиятлиси, катта жойини эгалламайдиган, дам олиш ва ухлаш, шунингдек, дала шароитида тунаш имконини берувчи ушбу мебелни ишлаб чиқаришда шарнирли темир қисмлар (ошиқ-мошиқлар) ва мустахкамлаш деталларидан деярли фойдаланилмайди.

Муз солинган қаҳвага қалайсиз?

Вьетнам аҳолиси орасида қаҳвани яхна ҳолда ичишни хуш кўрувчилар кўпчилигини ташкил қилар экан. Маълум бўлишича, мазкур миллий ичимликни тайёрлаш учун қовурилиб, майдаланган қора қаҳвага қуилиштирилган сут ва муз солинади. Қаҳванинг бу тури кейинги йилларда АҚШда ҳам истеъмол қилинаётган экан. Шу ўринда Вьетнам 2014 йил якунига қўра, қаҳва экспорт қилувчи давлатлар қаторида Бразилиядан сўнг иккинчи ўринга чиқиб олганини айтиб ўтиш даркор. Мамлакат қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тарқатилган хабарда қайд этилишича, ўтган йили салкам 650 минг гектар ерда қаҳва етиштирилиб, 3.4 млрд. долларлик махсулот экспорт қилинган.

Йогурт ишлаб чиқарувчилар жаримага тортилди

Франциянинг монополияга қарши курашувчи органлари йогурт ишлаб чиқарувчи бир қатор компанияларни узаро тил бириктирган ҳолда фаолият юритгани учун 193 млн. евролик жаримага тортиди. «The Wall Street Journal» нашрининг хабар беришича, йогурт ишлаб чиқарувчи 11 та корхона 2006-2012 йилларда чакана савдо билан шуғулланувчи компанияларга сут махсулотларини балоид баҳода сотган. Нарҳларни келишиш учун меҳмонхона ва ресторнларда учрашишган, телефон орқали алоқа қилиб туришган.

Миср пойтахти кўчирилади(ми?)

Миср ҳукумати Қоҳирадан 45 километр узоқликда жойлашган ҳудудда янги пойтахт учун замонавий меғалотсиз қуришни режалаштирмоқда. Мазкур лоиҳа тақдиротиини ўтказган Уй-жой қурилиш вазири Мустафо Мадбулининг таъкидлашича, янги пойтахтни бунёд этиш госяи Қоҳирада аҳолининг кўпайиши сабаб вужудга келган. Шу ўринда ҳозир Қоҳирада 20 млн. киши яшаётгани, 40 йилдан кейин эса аҳоли сони 2 баравар кўпайиши тахмин қилинаётганини айтиб ўтиш лозим. Вазирнинг айтишича, янги пойтахт 5 млн. кишига мўлжаллаб қурилади. Умумий қиймати тахминан 65 млрд. долларни ташкил қиладиган лоиҳанинг дастлабки қисми етти иилда амалга оширилади. Ш.Хўжаев тайёрлади.

Фаровон элнинг кўркам мактаблари

Баркамол авлодни вояга етказишда таълим соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар нафақат шаҳарларда, балки чекка-чекка қишлоқларда ҳам акс-садо бериб турибди. Эндиликда ҳатто энг олис ҳудудлардаги мактабларни кўриб ҳам ҳавасингиз келади. Яна бир бор ўқувчи бўлиб, мана шундай замонавий бинода таълим олиш иштиёқи туғилади

Дилноза НОМОЗОВА, «XXI asr»



Шундай пайтда истиқлолдан аввалги эски, зах, пастқам бинолар ёдга тушади. Маъгулотлар миллий менталитетимизга хос бўлмаган услубларда олиб борилганини ўйлайсиз. Ва беихтиёр 1997 йил 29 августда Президентимиз Ислон Қаримовнинг Республика Олий Мажлисининг IX сессиясидаги «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» деб номланган маърузасида бошқа таълим йўналишлари қатори умумий ўрта таълим мактаблари фаолияти бежиз жиддий танқид қилинмаганини ёдга оласиз.

Ушбу тарихий маърузадан сўнг юртимизда умумтаълим мактабларидаги шарт-шароитларни яхшилаш, таълим сифати ва мазмунини янги босқичга олиб чиқиш, мураббийларни моддий ва маънавий

қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Ушбу йўналишга оид давлат умуммиллий дастурлари ишлаб чиқилди ва уни амалга оширишга киришилди. Шу тариқа нафақат мамлакатимиз, балки тараққий этган хориж эъти-

рофига сазовор бўлган, моҳиятан ўзимизга хос ва ўзимизга мос таълим тизими шаклланди.

Қувонарлиси, қурилган ёки таъмирланган мактабларнинг катта фоизи қишлоқларда жойлашишига қарамай, олис тоғ ва чўл ҳудудла-

рида жойлашган мактаблар билан шаҳар мактаблари ўртасидаги тафовут барҳам топди.

Ушбу жараён бугунги кунда ҳам қизгин давом этмоқда. Халқ таълими вазирлиги матбуот қотиби Баҳриддин Шайвалиев берган маълумотларга кўра, ўтган йили 380 та умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиб, зарур ўқув-лаборатория анжомлари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан тўлиқ таъминланди. Жорий йилда эса 353 та умумтаълим мактабини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. 2020 йилгача эса 500 та умумтаълим мактабини замонавийлаштириш, 101 та янги мактаб барпо этиш режалаштирилган.

Хўш, нима учун мактаб таълими қурилишига бундай катта эътибор қаратиляпти? Ушбу саволнинг жавоби аниқ ушбу ислохотлар

замирида ҳар жиҳатдан баркамол авлодни вояга етказишдек улўф мақсад мужассамдир.

— Неварамни мактаб остонасидан кузатар эканман, қалбимда ўзгача бир гурур-ифтихор туяман. — дейди жиизахлик «Анвар-А» фермер хўжалиги раҳбари Анорбой Эшматов. — Мактаб биносига қараб, кўзларимга қувонч ёшлари қуйилиб келади. Беихтиёр ўзим ўқиган кезларни эспайман. Шундай дориломон кунларда фарзандларим, невараларимнинг ўйнаб-қулиб, мактабга тинч-хотиржам бориб келаётгани, бугунги фаровон турмушимизни янада гуллаб-яшнатадиган авлод вояга етаётганини ҳис этиб, кўнглим тоғдай кўтарилади.

Анорбой аканинг сўзларига изоҳнинг ҳожати йўқ. Чунки катта ҳаёт тажрибасига эга тадбиркор замондошимиз ҳаммамизнинг дилимиздаги гапни деҳқончасига айтиб қўяолди...

Фахрийлар тажрибаси — анъаналар давомийлиги

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида «Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари оммавийлигини оширишда фахрий полвонларнинг ўрни» мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда мутасадди идоралар вакиллари, институт профессор-ўқитувчилари, миллий спорт турлари мутахассислари ҳамда фахрий полвонлар иштирок этди.

Унда миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари оммавийлигини янада оширишда катта авлод тажрибасидан кенг фойдаланиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда ушбу йўналишда 193 минг 220 нафар ўғил-қиз мунтазам шуғулланаётгани қайд этилди.

— Жиззах вилоятида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари фестивали, Наманган вилоятида улук-кўпқари мусобақалари ўтказилди, — деди Республика миллий спорт турлари ривожлантириш маркази раҳбари З.Расулов. — Наврўз умумхалқ байрами кунларида 60 ёшдан ошган фахрий полвонлар мусобақаси, миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича фестиваллар ўтказишга ҳозирлик қўраямиз. Фахриддин НУРАЛИЕВ.

«Ўз қалбига ошиқ мухлисим»

Аёл... Ҳар бир замоннинг уни улўғловчи ўз достони, ўз қасидаси, ўз қўшиқлари бўлган. Лекин ҳар гал бу улўғ зот ҳақида гап кетганда фикр-ўйларимиз янгиладанаверади. Сабаб — «аёл» деб аталмиш нозик хилқатнинг том маънодаги таърифи, баҳоси ҳали топилганича йўқ. Ҳар қим онасини, опасини, синглиси ёки семимли ёрнини ўз тасавури ва тафаккури билан юксакларга кутаради. Зеро мунис аёлларимиз, оналаримиз олдида бир умр қарздоримиз

Нигора НИШОНБЕКОВА, «XXI asr»

Эрта тонгда ёки кун ботаётганда осмондаги ол шафачни кузатганимиз? Қанчалар чиройли, жозибали, қанчалар сеҳрли. Аёл қўйсини нур каби тўлдирган меҳр ҳам ана шундай сеҳрли кучга эга. Ҳар тонг боласини юз-кўзларидан ўпиб уйғотаркан, нозик вужуди роҳатлангандек бўлади. Турмуш ўртоғи, фарзандлари, қайнона-қайнотасига кўрсатадиган ғамхўрлигининг ўзи эса бир дунё. Гарчанд у қалб-қўрнини яқинларига баҳшда этса-да, эвазига ҳеч нарса талаб қилмайди. Қадри, шаъни, ориятини ҳамма нарсадан улўғ санайди. Тўмарис, Ойбарчин момоларни эсланг! Бирининг фарзанди душман қўлида асирлиқда жон берса-да, ўз ҳисларини жиповлаб, Ватан шаъни ва озодлиги йўлида

курашган бўлса, иккинчисининг ўз жуфтига нисбатан севги-содқати ҳали-ҳануз тилларда достон. Баъзан ҳайрон қолсан киши. Бунча сабр, бунча матонатни нозикина жусса қавердан оларкин?

Аёли билан эплик йил бирга ҳаёт кечирган донишманддан сурашибди: «Шунча йил ёнма-ён яшаб, аёлингизнинг одағлари, фазилатлари ёд бўлиб кетгандир. Ҳаттоки кўз қарашидан нима истаётганини уқиб олсангиз керак». У эса: «Йўқ, аёлим билан шунча вақт умргуззаронлик қилган бўлсам ҳам ҳали-ҳануз уни тўлиқ ўргана олганимча йўқ», деб жавоб берган экан. Чиндам ҳам аёлнинг турган-битгани жумбоқ. Ана шу нозик жусса, мушдек юрак қатига не сиру синоатлар яширинганини ҳеч қим, ҳеч қачон билолмас керак. Бугун қай бир жабҳани кузатманг, барчасида аёл-

ларнинг ўз ўрни бор. Аёл ўқитувчи, шифокор, ҳуқуқшунос, тадбиркор... Оилада ҳоҳисор-пина уй бекаси бўлса, ишхонада, жамиятда ўз ўрни, мавқеи, ўз овозига эга бўлган фаол инсон. Бу ҳам унинг яна бир бахтидир.

Биз аёл ҳақидаги таърифини яна давом эттиришимиз мумкин. Айтилганларнинг ўзиёқ унинг улўғлигидан дағолат бериб турибди. Хонадонларимиз фариштаси ва сариштаси саналадиган онажонларимиз ҳам аслида аёл зотида эканлигини унутмайлик. Барчамиз унинг жисму жонидан яралганмиз. Аёлни улўғлаган юрт эса асло кам бўлмайди, аксинча, гуллаб-яшнайди.

Опам, синглим, онам-мунисим, Ўз қалбига ошиқ мухлисим. Яна не дей, энг яхши сўзим: Аёллигинг яхшидир сенинг.

Нега эркаклар аёлларга нисбатан кам яшайди?

Тиббиёт нуқтан назаридан, эркакларда юрак-қон томир касалликлари аёлларга нисбатан ўн йил илгари бошланади. Чунки аёл организмидеги эстрогенлар бу тизим органларини эркакларникига қараганда кучлироқ ҳимоя қилади. Босис аёлларда ана шу гормон вақти-вақти билан янгилиниб туради. Стенокардия, ўткир миокард инфаркти ва аритмия ҳам аёлларда эркакларга кўра кечроқ пайдо бўлади. Яна бир сабаби — эркаклар руҳий-эмоционал зарбаларга кўпроқ учрайди. Оилани моддий жиҳатдан таъминлаш, даромад топиш йўллариини кидиришга тўғри келади. Лекин улар ички кечинмаларини сездирамасликига ҳаранат қиладилар. Масалан, 40 ёшдан ошган эркакларнинг шу видаги аёлларга нисбатан руҳий зўриқиш анча юқоридир. Бундан ташқари, аёллар эркакларга нисбатан шифокорга кўпроқ мурожаат этади. Соголм турмуш тарзига амал қилган ҳолда ёғли махсулотлардан камроқ истеъмол қилади. Аёлларнинг дард-ҳасратларни тез-тез ташқарига чиқариб турадиган кўз ёшлари ҳам бор...

Шарофат ОРТИҚОВА,
1-Республика тиббиёт коллежи ўқитувчиси.

РЕКЛАМА

ЗАЗ FORZA Автомобили для жизни



Автосалон в Ташкенте

тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99

ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)



www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.

ҚУТЛОВ

Навоий вилояти «ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КИМЁ» ҳудудий-акциядорлик жамияти жамоаси

азиз ватандошларимиз ва юртимиз меҳмонларини тиниқ осмон ва яшил борлиқ рамзи бўлмиш Наврўз айёми билан чин дилдан қутлайди.

Соғлиқ-омонлик, бахт-саодат доимий ҳамроҳингизга айлансин, табарруқ кексаларимизнинг дуоларини олиб юриш насиб этсин!



MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHILARMONLAR HARKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ: Озод РАЖАБОВ.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент. Нукус кўчаси, 73А-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: Нотибият — 281-40-17 (тел./факс). Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79. Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс). ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буюртма рақами: S 2429 Тираж: 17395

Баҳоси нелишилган нархда.

Топширилди — 20:00

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда изнба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтан назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материалларига тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланиди.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

Биласизми?!

Манхэттен ороли 1626 йили Питер Минуит томонидан маҳаллий ҳиндулардан атиги 25 долларга сотиб олинган. Мазкур ҳудуд бугун миллионлаб долларга баҳоланмоқда. Бироқ Питер уша пайтда ана шу пулини йилига 7 фоизлик банк омонатига қўйганда ҳозир меросхўрлари 3.6 триллион доллар соҳиби бўларди. Бу эса оролдаги барча иншоотлари қушиб ҳисоблаганда ҳам бир неча баравар кўп фойда келтириши мумкин эди, дегани.

*** Кўпчилик камалам етти рангдан иборат деб ҳисоблайди. Лекин бу қанчалик тўғри? Тадқиқотчиларнинг айтишича, бу сизнинг қайси мамлакатда истикомат қилишингизга боғлиқ экан. Масалан, хитойликлар камалам беш рангда товланади, АҚШ аҳолиси эса бу саволга олтита, дея жавоб беришади. ***

American Airlines компанияси парвоз вақтида биринчи класс пассажириларига тортиладиган салатлардан бир донэ зайтуни олиб ташиш орқали 40 минг доллар иқтисод қилишнинг уадасидан чинди. Бу эса молиявий-иқтисодий ижироз пайтида иш уринларини сақлаб қолиш имконини берди.

Д.ХАБИБОВА тайёрлади.

МУТОЙБА

Бокс. Танаффус пайти мураббий:

— Рақибингни роса қўрқитдинг-да!
— Йўғ-е, қанақасига?
— У сени уриб ўлдириб қўйдим, деб ўйлади. ***

Бир кунги тулки бўғирсоқни тутиб олиб, «Мен сени ейман», дебди. Бўғирсоқ эса: — Мен типратиканман, армияга кетаяман, ҳозиргина сартарошхонадан чиқдим, дея жавоб берибди. ***

Корхона директори ўринбосарига гап уқтирмоқда: — Сизни табриклашим мумкин. Бундан олти ой аввал оддий ходим сифатида иш бошлаган эдингиз. Бир ой ўтиб бўлим бошлиғи бўлдингиз. — Тўри.
— Икки ой ўтиб омбор мудири... — Бунисиям тўғри.
— Ҳозир директор ўринбосари лавозимида ишлаяпсиз. Бунинг учун нима дейиш керак? — Раҳмат, дада!

Набатчилар: Б.ИСРОИЛОВ, С.ЗОИРОВ

ҚУТЛОВ



O'ZSANOATQURILISHBANK

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» АТБ
 жамоаси барча юртдошларимизни
 Наврўз байрами билан муборакбод этади.
 Оилангизга тинчлик, фаровонлик ва
 осойишталик тилайди.
**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН,
 АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**

Шу билан бирга аҳолига қуйидаги
 омонат турларини таклиф этади:

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР

Омонат номи	Омонат тури	Муддати	Омонатнинг шarti
Ягонасан, Ватаним	Жамғарма	4 ой	Омонатнинг минимал миқдори 100,0 минг сўм, фоиз тўловлари ҳар ойда тўланади
Коммунал тўловлар учун	Жамғарма	1 йил	Омонатнинг фоизи ҳар ой омонатчининг бир ойлик коммунал тўловларига йўналтирилади

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР

Омонат номи	Омонат тури	Муддати	Омонатнинг шarti
Совринг-2	Муддатли	12 ой	Омонат бонус ютуқли, фоиз тўловлари ҳар ойда тўланади
Эътироф	Жамғарма	4 ой	Омонатнинг фоиз тўловлари ҳар ойда Марказий банк курси бўйича миллий валютада тўланади

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» — ВАҚТ ДАВОМИДА СИНАЛГАН ИШОНЧ!
 Call-марказ: 0(371) 200-43-43, www.uzpsb.uz

Хизматлар лицензияланган



XALQ BANKI

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ ЖАМОАСИ

*мамлакатимиз аҳолисини Наврўз умумхалқ
 байрами билан чин қўнғилдан муборакбод этади.
 Ушбу қувончли қўнғилда хонадонингизга тинчлик,
 фойз-баракат, оилавий бахт,
 дастурхонингизга тўкин-сочинлик тилаймиз.
 Диёримиз осмони мусаффо,
 турмушимиз янада фаровон бўлсин!*



«ЎЗВИНСАНОАТ-ХОЛДИНГ» холдинг компанияси жамоаси



кадрли ватандошларимиз,
 юртимиз меҳмонларини
 ўлкамизга қутлуғ
 қадамини ташлаган,
 борлиқнинг уйғониши,
 куртаклар ва
 гул-чечаклар очилиши,
 баҳор элчиси бўлмиш —
 Наврўзи олам билан қутлайди.
 Хонадонларингиздан
 тинчлик-хотиржамлик
 асло аримасин!



Наврўзи олам муборак! «САМАРҚАНД СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*юртдошларимизни яшарини
 ва янгиланиш байрами —
 Наврўзи олам билан
 муборакбод этади.
 Бу айём дилларга қувонч, шуқуҳ,
 ажиб тароват бахш этсин!
 Кексалари эъзозда
 бўлган юртимизда тинчлик,
 осойишталик доимо барқарор бўлсин!*



ҚУТЛОВ

«Ўзбектелеком» АК ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон аҳлини
нафосат айёми —
НАВРЎЗИ ОЛАМ
билан самимий
муборакбод этади.
Хонадонингиздан қут-барака,
тинчлик-тотувлик аримасин.
Осмонимиз ҳамиша
мусаффо бўлсин!



БУХОРО ШАҲРИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН «ЭРКАТОЙ БОЛАЖОН» МЧЖ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз халқини
уйғониш ва яшариш,
гўзаллик ва нафосат,
саховат ва мурувват рамзи бўлган
НАВРЎЗ АЙЁМИ
билан қизғин муборакбод этади!
Барча юртдошларимизга
сират-саломатлик,
яхши кайфият ва омад тилайди.
Жамики эзгуликларни ўзида
муҳассам қилган
Наврўзи олам ҳар бир
онглата барака тимсоли
бўлиб ташир буюрсин!



Тел.: (+99893) 455-13-00.
(8-365) 604-55-71.

E-mail: akifi2011@mail.ru
Маҳсулотлар сертификатланган.



ДАТ «Асака» банки ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

ҳамюртларимизни яшариш, янгилашни айёми —

Наврўзи олам
билан самимий муборакбод этади.
Табиатнинг уйғониши,
борлиқнинг яшиликка бурканиши
барчамизга қуч-ғайрат,
қўтаринки кайфият олиб келсин!
Ватанимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!



«НАВОИЙ ВИЛОЯТ СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

барча ватандошларимизни
ўлкамизга қадам ташлаган,
борлиқнинг уйғониши,
куртаклар ва гул-чечаклар очилиши,
баҳор элчиси бўлмиш —
НАВРЎЗ БАЙРАМИ
билан қутлайди.
Табарруқ отахон ва онахонларимиз
умрлари узоқ бўлсин!
Уларнинг эзгу дуолари рўёбга чиқаверсин!



«ТОШКЕНТИККИЛАМЧИҚОРАМЕТАЛЛ»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

юртдошларимизни

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий муборакбод этади.

Юрт келажаги,
миллат бахт-саодати йўлидаги
хайрли интилишларингизга
омад ва барака тилаймиз.

Байрам қувончи доимий
хамроҳингиз бўлсин, азизлар!



Ўрта Чирчиқ туманида
фаолият юритаётган

«КАРАСУ

ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДИ»

АЖ жамоаси

бунёдкор Ўзбекистон халқини
қалбларимизга баҳор нафаси ила
бетакрор гўзаллик олиб кирувчи

Наврўз айёми

билан қизғин муборакбод этади.

Хонадонларингизни
тинчлик-тотувлик,
дастурхонларингизни
тўкин-сочинлик,
қалбларингизни шодлик
ҳеч қачон тарк этмасин!



ҚУТЛОВ

ЎРМАТЛИ ЮРДОШЛАР !

«АСАКА» БАНК

Сизларни **Наврўз** байрами билан
чин юракдан муборакбод этади!
Юртимиз янада обод ва халқимиз бундан фаровон бўлсин!
Дастурхонлардан қут-барака, турмушингиздан
файз аримасин азиз ватандошлар!
Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин ва салоҳиятга
эга бўлган Ватанимиз янада гуллаб-яшнайверсин.

Байрам муносабати билан миллий валютада қуйидаги
муддатли янги омонат турини таклиф этамиз:
«НАВРЎЗ – 2015»
Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки
омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

ШУ БИЛАН БИРГАЛИКДА, «АСАКА» БАНК МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРДАГИ
ҚУЛАЙ ШАРТЛАРДА 60 ТА ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

ОМОНАТЛАРНИ БАНКНИНГ БАРЧА ФИЛИАЛЛАРИДА РАСМИЙЛАШТИРИШ МУМКИН.

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

1. Тошкент шаҳар филиали	(0-371) 120-83-13	14. Наманган вилояти филиали	(0-369) 225-44-03
2. Автотранспорт филиали	(0-371) 120-39-95	15. Навоий вилояти филиали	(0-436) 770-21-29
3. Шайхонтоҳур филиали	(0-371) 140-39-36	16. Зарафшон филиали	(0-436) 572-40-14
4. Юнусобод филиали	(0-371) 221-80-67	17. Бухоро вилояти филиали	(0-365) 770-05-19
5. Сирғали филиали	(0-371) 257-44-10	18. Бухоро шаҳар филиали	(0-365) 770-11-27
6. Тошкент вилояти филиали	(0-371) 120-84-13	19. Самарқанд вилояти филиали	(0-366) 233-65-47
7. Андижон вилояти филиали	(0-374) 223-60-74	20. Афросиёб филиали	(0-366) 221-75-40
8. Асака филиали	(0-374) 233-21-99	21. Қашқадарё вилояти филиали	(0-375) 221-07-41
9. Фарҳод филиали	(0-374) 226-96-63	22. Сурхондарё вилояти филиали	(0-376) 224-00-16
10. Фарғона вилояти филиали	(0-373) 244-39-14	23. Қорақалпоғистон филиали	(0-361) 770-60-59
11. Марғилон филиали	(0-373) 237-62-23	24. Хоразм вилояти филиали	(0-362) 228-14-81
12. Оптикариқ филиали	(0-373) 432-19-80	25. Сирдарё вилояти филиали	(0-367) 225-44-03
13. Қўқон филиали	(0-373) 542-61-01	26. Жиззах вилояти филиали	(0-372) 226-43-11

БАРЧА ОМОНАТЛАРИНГИЗ ҲУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

«Асака» банк – сармоянгни сақлаши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.com **Хизматлар лицензияланган.**

AGROBANK

Барча юрдошларимизни
Наврўз айёми билан самимий
муборакбод этади. Наврўз оилангизга
тинчлик, сиҳат-саломатлик, хотиржамлик
ва бахт-омад олиб келсин!
Байрамга тўхфа сифатида қуйидаги
омонат турини таклиф этамиз:

Кексаларни эъзозлаш
йилига бағишлаб жорий
этилган **«Эҳтиром»** номли
омонат турига маблағларингизни
10 кундан 365 кунгача бўлган
давр оралиғида ўзингиз хоҳлаган
муддатга қўйиб, ҳисобланган
фоизларни ҳар ойда
олишингиз мумкин.

www.agrobank.uz **Хизматлар лицензияланган**

Qishloq Qurilish Bank

акциядорлик тижорат банки жамоаси

барча юрдошларимизни яшариш ва янгиланиш айёми — Наврўз билан чин дилдан
табриклайди. Сизларга мустаҳкам солиқ ҳамда оилавий бахт тилаган ҳолда қуйидаги
янги, жозибадор омонат турларини таклиф этади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:
«Кексаларга таъзим» — омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.
«Кексаларни қадрлаш» — омонатга маблағлар 6 ойга қабул қилинади.

Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
«Имкониёт» — омонатга маблағлар 1 йилдан — 3 йилгача қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади, яъни ҳисобланган фоизларга қўшимча тарзда
фоизлар ҳисобланади ҳамда ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугаган тўлаб берилади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:
«Percent» — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.
«Profit» — омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

Омонатга маблағлар АҚШ долларида қабул қилинади,
фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қуриётган уй-жойларни
олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

«Мадад» — маблағлар 12 ойдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади;
«Хонадон» — маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади;
«Қурилишга бошлангич бадал» — муддати 1 йил.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банкларидаги омонатларини
кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатингиз:

- ✓ солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- ✓ маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- ✓ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- ✓ миқдори чекланмаган!

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Мурожаат учун: (+99871) 150-72-58, 150-39-93, www.qqb.uz
Хизматлар лицензияланган.

TRASTBANK

«ТРАСТБАНК»

акциядорлик-тижорат банки жамоаси

барча юрдошларимизни
она заминимизни
ям-яшил либосга бурқаб,
бахорий насимлари билан
кириб келган

Наврўз айёми
билан қутлайди.

Улуғ бунёдкорликнинг
абдий қудрати ўзига чорлаётган
ана шундай дамларда барчангизга
сиҳат-саломатлик,
дастурхонингизга
тўкин-сочинлик тилаймиз.
Ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!